БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 239 (19.615). • 1986 йил 22 октябрь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ САБОТ БИЛАН ОШИРИНГИЗ! БУНИНГ УЧУН ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВДА, ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА БАРЧА РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан.

# М. С. ГОРБАЧЕВ
## жаҳон маданият арбобларининг бир группаси билан суҳбатлашди

Суратда: суҳбат пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 20 октябрь куни таниқли маданият арбобларидан бир группасини қабул қилди. Ана шу арбоблар Ч. Айтматовнинг таклифига биноан СССРга келиб, Қирғизистондаги халқаро учрашувда қатнашган эдилар.

Суҳбатда ёзувчи Ж. Болдуин (АҚШ), актер Д. Болдуин (АҚШ), ёзувчи Я. Камол (Туркия), Рим клубининг президенти А. Кинг (Буюк Британия), композитор О. З. Ливанелли (Туркия), жамоат арбоби Ф. Майор (Испания), композитор Н. Менон (Ҳиндистон), ёзувчи А. Миллер (АҚШ), рассом И. Миллер (АҚШ), ёзувчи Л. Отеро (Куба), ёзувчи К. Симон (Франция), рассом А. Текле (Эфиопия), философ О. Тоффлер (АҚШ), философ Х. Тоффлер (АҚШ), ёзувчи, актёр П. Устинов (Буюк Британия), ЮНЕСКО секретариатининг аъзоси А. Форти (Италия), ёзувчи, «Иссиққўл анжумани» президенти Ч. Айтматов (СССР) иштирок этдилар.

Ошкоралик, дўстлик вазиятида ўтган учрашувда тинчлик, цивилизация ва маданият тақдирига дахлдор кўпдан-кўп замонавий проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбат қатнашчилари «Иссиққўл анжумани»да ҳозир инсоният олдида турган ва у келгусида дуч келиши мумкин бўлган кўпгина қийин проблемалар муҳокама қилинганлигини таъкидладилар. Улар ижодкор зиёлилар учинчи минг йиллик бўсағасида инсоният тараққиёти мақсадларига мос келадиган янгича тафаккурни шакллантиришга катта ҳисса қўшишлари мумкинлигитўғрисида гапирдилар.

М. С. Горбачев ўз нутқида маданият арбобларининг мен билан учрашиш истагига бажонидил рози бўлдим, деди. У «Иссиққўл анжумани» қатнашчиларини муваффақият билан табриклади ва мана шундай яхши бошланган иш давом эттирилсин, деган истакни билдирди.

Учрашувингизнинг афзаллиги шундаки, унда ғоят хилма-хил кишилар иштирок этдилар, деб давом қилди М. С. Горбачев. Аммо улар ўзларини ажратиб турган тафовутлардан юқорироқ кўтарилиб, бош масала — инсоният келажаги учун барчанинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала хусусида умумий ҳамжиҳатликка эриша олдилар. Бу ҳам бошқалар учун сабоқдир.

В. И. Ленин аср бошидаёқ умуминсоний бойликларнинг ҳар қандай синф вазифаларидан афзаллиги тўғрисида ғоят чуқур фикрни билдирган эди. Ҳозир ана шу фикрнинг аҳамияти айниқса ўткир ҳис этилмоқда. Бинобарин, жаҳоннинг бошқа қисмидагилар ҳам умуминсоний бойликларнинг у ёки бу кишилар қаттиқ берилган бошқа барча бойликлардан афзаллигини тушуниб олишлари ва уни қабул қилишларини жуда истардик.

Бирон-бир ларзанинг сабабларини билиб олиш учун инсониятда ҳамиша ақл-идрок, мардлик ва виждон етарли бўлган. Лекин афсуски, кўпинча кулфатлар бўлиб ўтгандан кейингина шундай қилинган. Кулфат бўсағага келиб қолган ҳар гал одамлар уни ўз вақтида даф эта олганларида ҳозир дунё қандай бўлур эди?

Биз ҳаммамиз ўтмишдан сабоқ олиб, мушкулликлар ва маҳрумликларга бардош бериб, яна қаддимизни ростлаб олиб, ўзимиз танлаган йўлдан олға томон боравердик. Аммо бизнинг умуминсоний хонадонимиз узра пайдо бўлган ядро хавфини даф эта олмасак нима бўлади? Агар шундай ҳол содир бўлган тақдирда хатоларни тузатиш учун энди имконият қолмас эди. Ҳозир тарихда шундай қалтис пайт ҳақиқатан ҳам келдики, энди мудҳиш хавф-хатар фақат биргаликдаги кучғайратлар билан бартараф этилиши мумкинлиги яққол бўлиб қолди.

Замонамизнинг ташвишхавотирликлари тўғрисида баралла гапириш, ҳозирги тинч даврни ва тинч истиқболни мустаҳкамлашда зарур қарорларни биргаликда излаб топиш, тинчлик тақдири учун ҳар бир кишининг виждони ва масъулиятини уйготиш зарур.

Пировард натижада энг асосийси инсондир. Бирон соҳадаги тараққиёт инсон жудоликлари — фақат маънавий ёки сиёсий эмас, балки жисмоний маҳрумлик ва жудоликлар билан бирга давом этаётган экан, у ҳолда бундай жудолик ва маҳрумликлар содир бўлаётган система шубҳа остига қўйилиши керак. Цивилизациянинг қийинчиликлари ва зиддиятлари қанчалик кўп бўлмасин, уни ҳаёт учун, инсон учун сақлаб қолиш лозим. Инсоният яшаган тақдирда эса у зиддиятларни қандай қилиб бўлмасин бартараф этади.

М. С. Горбачев Рейкьявикда АҚШ президенти билан учрашувдан олган таассуротларини гапириб берди. Бу учрашув ядро қуролини йўқ қилишни бошлаб берадиган битимлар тузиш мумкинлигини кўрсатди, деб таъкидлади у. СССР олға сурган янги таклифлар программаси ўзаро мақбул қарорларни излаб топиш учун эшикни ёпмай, балки очади. Бу программа боши берк кўчадан чиқиш учун реал имконият яратади. Лекин айни вақтда учрашув битимлар йўлида кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш кераклигини ҳам кўрсатди.

Рейкьявикдан чиқарилган асосий сабоқларнинг бири шундан иборатки, инсоният йигирманчи аср охирларида дуч келган танг вазиятдан қутулишнинг энг асосий шарти — ядро асрининг реалликларига мос келувчи янгича сиёсий тафаккурдир. Бутун инсоният ҳамжамиятининг сиёсий тафаккурида чуқур ўзгаришлар қилиш керак.

Фан ва маданият арбобларининг маънавий ғайратшижоати, уларнинг интеллектуал ва маънавий обрў-эътибори ана шундай янгича тафаккурни ҳосил қилишга кўмаклашиши мумкин. «Иссиққўл анжумани» буни тўла-тўкис тасдиқламоқда.

М. С. Горбачев мамлакатимизда давом этаётган янгиланиш ва ўзгариш жараёнлари тўғрисида гапириб, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш, демократияни, кенг ошкоралиқни авж олдириш масалаларига тўхталди.

Совет зиёлилари қайта қуриш жараёнига актив қўшилдилар, шунчаки қўшилибгина қолмай, балки унинг астойдил курашчисига айландилар, бу эса жуда муҳимдир. Бизнинг бутун жаминитимиз ҳаракатга келди, бу ҳаракат тобора кучайиб бормоқда.

Пировардида маданият арбоблари суҳбат учун М. С. Горбачевга сидқидилдан миннатдорчилик билдирдилар.

(ТАСС).

# САЛОМ, ВАТАН!

**ТЕРМИЗ**, 21 октябрь (ТАСС мухбирлари А. Никоненко, Е. Величанская). Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари составидан Ватанига қайтиб келаётган олти полкдан бири — мотоўқчи полк жангчиларини ўзбеклар диёри бугун тантанали кутиб олди.

Термиз билан афғон шаҳри Ҳайратонни туташтирувчи Амударё устидаги кўприк ёнига юзлаб кишилар йиғилишди. Республиканинг партия ва совет раҳбарлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўмондонлигининг вакиллари, жангчиларнинг ота-оналари бу ерга келдилар. Ҳамма жойда табрик транспарантлари товланиб турибди, кутиб олувчиларнинг қўлларида гулдасталар...

Ҳаяжонли дамлар. Кўприкдан ўтиб келаётган жанговар машиналарнинг гуруллаган товушлари тобора кучайиб боради. Тўрт йил муқаддам қурилган бу кўприк иккала дўст мамлакат ўртасида автомобиль-темир йўл қатновини йўлга қўйиш имконини берди, шу сабабли у дўстлик кўприги, деб аталади.

Мотоўқчиларнинг фахрланадиган ишлари кўп. Улар Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишда қардош афғон халқига ёрдам бериш соҳасидаги интернационал бурчларини шараф билан бажардилар. Кўпгина жангчиларнинг кўксида жанговар орден ва медаллар ярқирайди, Ватан ўз фарзандларининг жасоратларини шундай тақдирлаган. Бир қанча солдат ва офицерлар АДРнинг давлат мукофотларига сазовор бўлганлар.

Юриб келаётган машиналар зирҳига ранг-баранг кўз гулларидан ясалган гулдасталар ташланади. Олис қирқ бешинчи йилда ҳам шундай бўлган: ўшанда шод-хуррам Прага аҳолиси ҳалоскор жангчиларни баҳор гуллари билан кутиб олган, бу полк 1942 йилдаёқ гвардиячи номини олган эди. У Сталинград остоналарида, Курск ёйида қаттиқ туриб жанг қилган, Польша ва Чехословакияни озод қилишда қатнашган. Энди Улуғ Ватан уруши жанговар анъаналарининг ворислари қисм солномасига янги шонли саҳифалар битдилар.

Жанговар машиналар бир чизиққа тизилади, уларнинг ёнида жангчилар саф тортадилар, митинг бошланади. Митингда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Анишчев, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси А. Исмоилов ва бошқалар АДРдан олтита совет полкининг қайтиб келиши — Афғонистон теварагидаги вазиятни бартараф этишга интилаётган СССР холис ниятининг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидладилар. Совет ҳукумати шу қадамни қўйди ва бу билан Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса қўшди. Нотиқлар Совет Армиясидан, қардош Афғонистон диёридаги мураккаб жанговар вазифаларни бажариб, юксак маҳорат, мардлик ва жасорат намойиш этган интернационалчи жангчилардан фахрланиб гапирдилар.

Полк командири, Қизил Юлдуз орденли гвардиячи подполковник А. Скородумов самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди ва шахсий состав номидан мотоўқчилар ҳамиша Ватаннинг ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр бўлиб турадилар, деб ваъда берди.

Митинг тугади. Қариндошлар, дўстлар билан ҳаяжонли учрашув онлари бошланади. Гвардиячи оддий солдат Баҳриддин Абдуллаевни отаси Турсунбой ва онаси Ҳабиба ўз бағриларига босадилар. Гвардиячи оддий солдат Шуҳрат Маҳмудов ҳам ўз отаси Зайниддин Маҳмудович билан дийдор кўришди. Ҳамманинг чеҳрасида қувонч, тилида табрик сўзлари... Дилкаш суҳбатлар, ҳол-аҳвол сўрашлар бошланади, ортда қолган кунлар ёдга олинади...

Команда берилиб яна солдатлар саф тортишади. Улар ўзларининг доимий турадиган жойларига етиб боришлари лозим.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз заршунослари съездлар йилида она-Ватан ҳазинасига 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Хўжалик далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Колхознинг Пардабой Нишонов ва Карим Умрияевлар бошлиқ бригадалари ҳозирги кунда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Кунлик пахта тайёрлаш сурьатини бир зум ҳам бўшаштирмаётган ҳар иккала бригада азаматлари ҳосилдорликни 38 центнерга етказишга бел боғлаганлар.

Суратда: 7-бригада аъзолари Р. Ҳасанов, Р. Турдибоев, Х. Нуриддинов, И. Баятов, А. Бойжигитовлар ўз етакчилари К. Умрияев (чапдан биринчи) билан баракали меҳнатдан сўнг бир лаҳза ҳордиқ чиқаришмоқда.

В. Молгачев фотоси.

# ПАХТАКОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1986 йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида давлатга лахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхоз ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини **Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозида** қолдиришга қарор қилинди. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 88,20 процент, шу жумладан, машина терими планини 120,75 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 41,95 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Сурхондарё области.** Бу область пахта тайёрлаш планини 74,16 процент, шу жумладан, машина терими планини 78,13 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 26,85 процент ўсишини таъминлаган;

**Наманган области.** Бу область пахта тайёрлаш планини 74,61 процент, шу жумладан, машина терими планини 62,12 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 21,90 процент ўсишини таъминлаган.

**Наманган область Косонсой райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 63,17 процент, шу жумладан, машина терими планини 54,94 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 34,12 процент ўсишини таъминлаган;

**Тошкент область Янгийўл райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 87,30 процент, шу жумладан, машина терими планини 80,16 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 23,15 процент ўсишини таъминлаган;

**Сурхондарё область Қумқўрғон райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 84,87 процент, шу жумладан, машина терими планини 84,52 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 30,24 процент ўсишини таъминлаган;

**Сурхондарё область қўриқ Гагарин райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 65,66 процент, шу жумладан, машина терими планини 99,42 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 32,70 процент ўсишини таъминлаган;

**Наманган область, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 69,39 процент, шу жумладан, машина терими планини 67,99 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 41,22 процент ўсишини таъминлаган.

**Сурхондарё область Гагарин районидаги қўриқ «Пограничник» совхози.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 72,26 процент, шу жумладан, машина терими планини 118,64 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 41,16 процент ўсишини таъминлаган.

**Наманган область Косонсой районидаги «Коммуна» колхози.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 71,11 процент, шу жумладан, машина терими планини 75,50 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 43,27 процент ўсишини таъминлаган.

**Сурхондарё область Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхози.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 82,03 процент, шу жумладан, машина терими планини 83,91 процент қилиб бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 37,35 процент ўсишини таъминлаган.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг борişи тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,31 | 89,62 | 0,58 | 57,69 |
| Тошкент | 2,13 | 84,46 | 1,85 | 90,47 |
| Наманган | 2,00 | 74,61 | 2,08 | 62,12 |
| Сурхондарё | 1,89 | 74,16 | 1,69 | 78,13 |
| Сирдарё | 2,07 | 72,83 | 1,85 | 85,87 |
| ҚҚАССР | 1,40 | 70,78 | 0,88 | 49,93 |
| Хоразм | 1,25 | 67,77 | 0,54 | 34,61 |
| Бухоро | 0,86 | 64,35 | 0,09 | 12,50 |
| Андижон | 2,33 | 58,70 | 1,91 | 37,22 |
| Жиззах | 2,09 | 56,28 | 1,74 | 55,17 |
| Самарқанд | 1,34 | 55,69 | 0,82 | 31,76 |
| Навоий | 1,18 | 45,90 | 0,58 | 16,51 |
| Қашқадарё | 1,09 | 43,21 | 0,85 | 29,28 |
| Республика бўйича: | 1,62 | 66,59 | 1,26 | 51,42 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| СУРХОНДАРЁ | 3,12 | 116,39 | 3,29 | 141,69 |
| Наманган | 1,56 | 84,00 | — | 1,75 |
| Навоий | 1,79 | 71,62 | 0,14 | 2,14 |
| Бухоро | 1,11 | 59,52 | — | — |
| Қашқадарё | 1,59 | 35,61 | 2,57 | 32,37 |
| Республика бўйича: | 2,50 | 87,39 | 2,83 | 97,72 |

## ЗАФАР МАРРАСИ ЭГАЛЛАНДИ

Давлатга 1700 тонна пахта етказиб берган Поп районидаги Ленин номли совхознинг 2-бўлими коллективи зафар маррасини эгаллади. Ҳосилнинг 80 проценти машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Чортоқ районидаги Ҳ. Олимжон номли совхознинг Носиржон Турғунов бошлиқ бригадаси заршунослари областда биринчи бўлиб социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Қабул пунктига 100 тонна юқори сифатли хомашё топширилди. Янги ўзлаштирилган адир ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди. Териб олинган ҳосил планда белгиланганидан 10 центнер кўпдир. Бу эса пахтакорларнинг революциямиз байрамига муносиб совғасидир.

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### БУХОРО

Олот районидаги Крупская номли колхозда яна бир бригада маррага етди. Амрулло Хурсандов бошчилик қилаётган коллектив аъзолари 67 гектар ердан 158 тонна юқори сифатли хомашё териб олдилар. Бригада аъзоларининг янги марраси — ялпи хирмонни 200 тоннага етказишдан иборат.

* * *

Вобкент районидаги 11-қўриқ совхознинг Самад Раҳматов бошлиқ бригадасида социалистик мажбурият муддатидан илгари адо этилди. Она-Ватан ғолиб пахтакорлардан 300 тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди.

### ФАРҒОНА

Бувайда районидаги «Шарқ юлдузи» колхози пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар. 1050 гектар ернинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олиниб, республика хирмонига 3305 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Кенжахон Мамадалиева, Каримжон Матюсупов, Абдуқаҳҳор Турғуновлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 37—42 центнерни ташкил этди.

* * *

Шу райондаги «Ленинобод» колхози пахтакорлари ҳам йиллик планни бажардилар. Давлатга 3830 тонна хомашё етказиб берган миришкорлар яна 800 тонна пахта тайёрлаш учун йиғим-теримни ўюшқоқлик билан давом эттиришмоқда.

### ТОШКЕНТ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан пахта тайёрлаш плани адо этилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Она-Ватанга 4325 тонна «оқ олтин» армуғон этган азаматларнинг янги марраси бу кўрсаткични 4900 тоннага етказишдан иборат.

* * *

Коммунистик райони дала гвардиячилари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу ерда 19600 тонна пахта «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Свердлов номли колхоз механизаторларидан Эргаш Калтаев ва Владимир Вагаповлар 180—200 тоннадан «оқ олтин» териб, хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.

### ХОРАЗМ

Хонқа районида икки хўжалик — Охунбобоев номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари зафар маррасини эгалладилар. Республика хирмонига 12 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Иккала хўжалик миришкорлари Улуғ Октябрь байрамига қадар яна 1,5—2 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олишди.

### САМАРҚАНД

Пайариқ районидаги «Қорақалпоғистон» совхозининг Т. Ҳоликов, М. Омонтоев, А. Мирзақуловлар бошлиқ бригадаларида пахта тайёрлаш плани адо этилди. Бу бригадаларда 7 ноябрга қадар социалистик мажбуриятни ҳам бажариш кўзда тутилмоқда.

### ҚҚАССР

Куйбишев номли совхознинг Каримбердиев номли бўлими пахтакорлари Кегайли районида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Қабул пунктларига 1270 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Х. Кайипов ва У. Пирлепесовлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари юқори ҳосил олишга эришдилар. Нагмет Караматдинов, Донабой Турғунбоев, Қорабек Бетбергенов каби моҳир механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 130-135 тоннадан пахта тўкишди.

### СИРДАРЁ

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникуми чўлқуварлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига 18 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ялпи ҳосилнинг 98 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Илғор механизаторлардан Абдураҳим Ортиқов ва Зоҳир Отахоновлар ўз «зангори кема»лари бункеридан 147-148 тоннадан хом ашё бўшатдилар.

Совхоз-техникум пахтакорлари мавсум охирига қадар яна 5 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олишди.

### ЖИЗЗАХ

Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозининг Омонгелди Валиев бошлиқ бўлими пахтакорлари социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшира бошладилар. Тайёрланган 1060 тонна пахтанинг 924 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Соли Жўраев, Келдибек Омонқулов ва Турсун Ертоев каби механизаторлар ўз агрегатлари ёрдамида 115—145 тоннадан хом ашё теришди.

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

20 октябрь куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Унда халқ хўжалигининг шу йил 9 ой мобайнидаги иш якунлари, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1986 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджетини бажариш соҳасидаги вазифалар ҳамда халқ хўжалигининг келаётган қиш фаслидаги иши масалалари кўриб чиқилди.

СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросида шу йил 16 октябрь куни мазкур масалани муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикрлар ва хулосаларга амал қилиб, совет халқининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ишлаб чиққан ҳамда партия XXVII съезди маъқуллаган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини амалга ошириш соҳасидаги фидокорона меҳнати натижасида халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижобий силжишларга эришилганини қайд этди. Иқтисодий ўсишнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаш, ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш, инвестиция жараёнини қайта қуриш, маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежаш каби узоқ муддатли омиллари тўлиқроқ ишга туширила бошланди. Бошқарувни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги формаларини жорий этиш, раҳбарликнинг иқтисодий методларидан кенг фойдаланиш, инсон омилини активлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг таъсири кучайтирилмоқда.

Ўтган 9 ой мобайнида ҳосил қилинган миллий даромад 4,3 процент, саноатдаги меҳнат унумдорлиги 4,8 процент ошди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5,2 процент кўпайди. Бу эса план топшириқларидан юқори бўлиб, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат ишлаб чиқаришни ўстиришга нисбатан анча ортиқдир. Шундай қилиб, беш йилликнинг биринчи йилидаёқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари жиҳатидан беш йилликнинг ўртача йиллик топшириқлари даражасига етиб олиш имконияти вужудга келтирилмоқда. Саноат маҳсулотини ўстиришнинг 94 процанти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинди, ўтган йилнинг шу даврида эса саноат маҳсулотини ўстиришнинг 90 процанти шу йўл билан олинган эди. Барча иттифоқдош республикалар ва СССР саноат министрликлари 1986 йилнинг 9 ойи план топшириқларини бажардилар. СССР Радио саноати министрлиги бундан мустаснодир.

Мамлакат агросаноат комплексида ижобий натижаларга эришилди. Колхоз ва совхозлар дон, картошка, сабзавот, мева ва узум етиштиришни кўпайтиришга эришдилар, ҳосилни йиғиштириб олиш ва чорва қишловига ҳозирлик кўриш ниҳоясига етказилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишнинг барқарор ўсиши давом этмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чорва ва парранда харид қилиш 7,6 процент, сут харид қилиш 4,5 процент, тухум харид қилиш 5,6 процент кўпайди.

Ҳамма турдаги транспорт юк ташиш планини ошириб бажарди.

Партиянинг социал сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Халқ хўжалигини 1986—1987 йил куз-қиш фаслига тайёрлаш соҳасидаги иш ўтган йилларга нисбатан анча уюшқоқлик билан ўтказилди.

Шу билан бирга СССР Министрлар Совети халқ хўжалигини интенсивлаш изига ўтказиш секин бораётганини уқтириб ўтди. Қайта қуриш жараёни мураккаб тарзда, зиддиятли равишда давом этмоқда, кўпинча министрликлар, идоралар ва маҳаллий бошқарув органларининг имиллашига дуч келмоқда, шунинг натижасида кўпгина меҳнат коллективлари аслида қайта қуриш жараёнига ҳали ҳам қўшилгани йўқ. Экономикани ривожлантиришдаги салбий тенденцияларни ва танг жойларни бартараф этишда тузукроқ қатъият кўрсатилмаяпти. 9 ой мобайнида умуман ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, саноат сентябрь ойида маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган топшириқларни уддалай олмади. Шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш соҳасидаги аҳвол суст яхшиланмоқда. Саноат бирлашмалари ва корхоналарининг 29 проценти маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажармади. Енгил саноат корхоналарининг иши ёмонлашди. Маҳсулотларнинг техникавий даражасини, сифати ва пишиқ-пухталигини ошириш, машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларнинг энг янги турларини ишлаб чиқаришга ўтиш соҳасидаги иш лозим кўламда олиб борилмаяпти. Кўпгина министрликлар бирлашма ва корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминламадилар.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларига ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг январь — сентябрь ойларидаги якунлари ва 1986 йил планини бажариш вазифалари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, йўл қўйилган камчиликларни ҳамда янглишишларни тугатиш ва йиллик план ҳамда олинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади. Бунинг учун бу йилги иқтисодий ривожланишнинг юксак суръатларига эришишни белгиловчи IV квартал топшириқлари бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш таклиф қилинди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, маҳсулот турлари юзасидан белгиланган планга қатъий риоя этишга, шартномавий мажбуриятларни бажаришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга, уй-жой ва социал объектлар қурилиши, товар оборотини топшириқларини амалга ошириш соҳасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳосилни йиғиштириб олишни ўз вақтида тугаллаш, чорва қишловига тайёргарлик кўриш, ем-хашак запасларини бутун чоралар билан тўлдириб туриш, етиштирилган ҳосилни қайта ишлашни ва уни асраши ташкил этишни яхшилаш, шу тариқа ҳамма жойда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобудгарчилигини қисқартириш, аҳолини озиқ-овқат билан пухта таъминлаш учун таъсирчан чораларни кўришлари зарур.

СССР министрликларига, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига халқ хўжалиги тармоқларининг қиш шароитида барқарор ва узлуксиз ишлашига ҳозирлик кўришни тугаллаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини доимий назорат остига олиш топширилди. Аҳолини ёқилғи билан таъминлашга, корхоналарда ва коммунал хўжалигида ёқилғи запасларини ғамлаб олишга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари ва идоларининг раҳбарларидан ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан келгуси йилдан бошлаб бутун саноатни ва бошқа тармоқлар корхоналарини шу масала юзасидан қабул этилган қарорларга мувофиқ хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказишга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳеч кечиктирмай амалга оширишни талаб қилди.

Мажлисда қурилиш комплексини бошқаришни қайта қуриш ва қурилишдаги хўжалик механизмини такомиллаштириш қандай бораётганлиги тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Капитал қурилишдаги аҳвол бирмунча яхшиланган бўлишига қарамай, бу тармоқдаги қайта қуриш суст бораётганлиги уқтириб ўтилди. Ресурсларни халқ хўжалигининг ишга туширилиадиган объектларига марказлаштириш ҳамон таъминланмаяпти.

СССР Госстройига, СССР қурилиш министрликларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қурилиш комплексини бошқаришни қайта қуришни жадаллаштириш, қурилишдаги хўжалик механизмини такомиллаштириш, қурилиш ишларини янги индустриал ва ташкилий даражага кўтариш юзасидан кескин чора-тадбирларни кўриш, қурилиш трестлари ва бирлашмаларининг ишини тубдан яхшилашга эришиш таклиф қилинди.

Масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, Л. Н. Зайков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Н. В. Тализин, шунингдек, СССР ҳукуматининг бошқа аъзолари қатнашдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков нутқ сўзлади. (ТАСС).

# «ЗАНГОРИ КЕМА» МУШКУЛ ҲОЛАТДАН ЧИҚАДИМИ?

## ЁКИ ПАХТАНИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИШГА НИМАЛАР ҲАЛАҚИТ БЕРАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Навоий номли колхоз раиси Холдор Акрамов билан саккизинчи ва тўққизинчи бригадаларга келдик. Ҳар иккаласи ҳам пахта топшириш планини Чиноз районида биринчи бўлиб бажарган, ҳосилнинг ҳаммасини (гектар бошига 36 центнердан) биринчи ва иккинчи сортларга сотган. Таннарх республиканинг ўртача кўрсаткичидан икки баравар арзон. Энди эса колхоз ҳам планини тўлдирибди.

— Жамийки ишни машиналар қилишди, — деб ҳисобляпти саккизинчи бригада бошлиғи Мирзаодил Акрамов.

Район партия комитети нинг биринчи секретари В. Гришчук билан ўша куни бошқа хўжаликларда бўлганимизда ҳам худди шундай манзарани кўрдик. Яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин медалини олган П. Саулькин раислик қилаётган «Октябрь 40 йиллиги» колхози эса план бажарилгани ҳақида рапорт бериб қўшимча равишда 500 тонна пахта топширишга ваъда қилган. Хуллас, районда ҳосилнинг ҳаммаси чўнтакдагидек нақд.

Шу билан бирга, пахта далаларида машиналар билан бир қаторда қўл терими усталари ҳам эрталабдан кечгача ишламоқдалар. Лекин барибир тайёрланган ҳар ўн тонна пахтанинг етти тоннаси не десангиз ҳам комбайн бункеридан бўшатилган.

Бу — пешқадам эришган натижа. У ортда қолдирган йўлни бошқалар энди босиб ўтишлари керак. Октябрнинг иккинчи ўн кунлиги охиригача пахта тайёрлашда республика олға қараб ўндан олти қадамни, Қашқадарё ва Навоий областлари эса бор-йўғи тўрт қадам ташлади. Лар. Терим чўзилиб кетмоқда. Демак, Навоий номли колхознинг саккизинчи ва тўққизинчи бригадаларида ишнинг йўлга қўйилиши кўпчиликка бугунги кун учун ҳам, эрта учун ҳам жонли ўрнак тимсолидир.

Қарийб 150 гектар пахта майдонига эга бўлган ана шу иккита бригадада икки қаторли тўртта машина мавжуд. Ҳар бир машина зиммасига республика бўйича ўртача тўғри келадиган иш ҳажми юкланган. Саккизинчи бригадада ҳайдовчилар Ю. Темиров ва М. Халатов, тўққизинчи бригадада И. Зокиров билан А. Юнусов — иккаласи ҳам ишни ишдигина бошлашганига қарамасдан ўз касбининг моҳири, ҳар қайсисига терилган бир тонна пахта учун ўн сўмдан ҳақ тўланади. Бошқаларга белгиланганидай. Хўш, бошқаларникидан нималар фарқ қилади?

Улар кун бўйи бирор дақиқани бекуда ўтказишмайди, тушликдан сўнг бекорчи гапларга ўрин йўқ. Йиғим-терим оммавий тус олган икки иш ҳафтаси давомида кечки шудринг тушмаган пайтдаги имкониятларнинг бирортаси ҳам бой берилмади. Ҳар бир ҳайдовчининг ўз пайкали бор, аммо исталган дақиқада ўзаро ёрдамга тайёр. Техник-созловчи, шпинделлар ва съёмникларни ювадиганлар ҳамиша ҳозиру нозир. Бир кунда бункердан нормадаги олти тонна ўрнига тўққиз-ўн тоннадан пахта бўшатишаётганининг ўзи мўъжиза эмасми!

Машина терими, айниқса бу ишни группа усулида уюштириш технологияси ҳаммага маълум. Даладан тайёрлов пунктигача беш километрлик йўл, тележкалар саноқли. Шунинг учун ҳам агрегат бурилиш минтақасига етиб келиши биланоқ автопоездни эмас (унинг узоқ туриб қолиши фойдасиз), биттадан тележкани тайёрлаб қўйишади. Пайкалнинг ҳар иккала томонида биттадан таққон трактор уни илдириб кетишга тахт. Бу ҳам тежамли.

Тележка тўлдими, ўша заҳотиёқ у хирмонга етиб боради. Иккала бригадага битта хирмон. У қадимий қўрғон ўрнида барпо этилган: бульдозер билан текислашган, асфальт ётқизишган ва қарабсизки пахтани табиий қуритиш учун кенг-мўл майдонча вужудга келган. Ҳосилни бу ердан «Колхоз»лар прицепларни илаштириб олганича (бу ҳақда автокорхона билан махсус шартнома тузилган) тайёрлов пунктига элтишади. Бутун бир автопоезд бошқа бригадалар учун бўшатиб берилади. Яна бир ақлли ва тежамли иш бу.

Хирмонда пахтани қандай қилиб тезроқ ортишнинг ҳатто бирмунча кутилмаган йўллари ҳам топишди. Тайёрлов пунктларида роторли юклагичлар (РПХ) бор. Улар бунтларга босилган пахтани бўлаклаб қайта ишлашга етказиб бериш учун мўлжалланган. Йигитлар ўзаро фикрлашиб олишди: бекор турган пайтида улардан фойдаланиш нега мумкин эмас экан? Авваллари бу мосламани заводдан сўраб олиш амри маҳол эди. Энди эса директор Х. Бўриев транспортерни ҳам, механикни ҳам жўнатди. Чунки колхоз ва завод битта РАПОга қарашли, манфаатлари ҳам бир хил.

Бу ердан Сирдарё орқали «Малик» совхозига ўтадиган, ёки Тошкентга бораётиб «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига бурилиадиган, ё бўлмаса Андижоннинг «Савай», Наманганнинг «Гулбоғ» совхозларига, Фарғонанинг Ғафур Ғулом номли колхозига тушадиган бўлсангиз у ерларда ҳам худди шундай манзарани — айримларида пахта ҳосилининг учдан икки, баъзи жойларда тўртдан уч қисми машиналарда терилаётганини кўрасиз.

Авваллари Фарғона областини терим техникасига етарли баҳо берилмаётгани учун бошқаларга нисбатан тез-тез қойишарди. Энди улар машиналарни биринчи бўлиб далага чиқаришди. Қорақалпоғистон АССРда ҳам сезиларли силжиш рўй берди. Ингичка толали пахтани машиналарда териш мумкинми деган гап-сўзлар анчадан буён давом этарди. Сурхондарёликлар ана шу ноўрин тасаввурга жорий мавсумнинг ўзидаёқ барҳам бердилар. Эндиликда областда ингичка толали пахта теримини механизациялаш даражаси ўрта толали пахта теримидагига нисбатан ҳатто юқори.

Тошкент ва Сирдарё областлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларда машиналарга таяниш аллақачонлардан бўён таомилга айланган, бу йил у яна бир карра тасдиқланди — ягона тўғри йўл — машина терими йўли. Масалан, Тошкент области икки маротаба ғоят барвақт тушган ёмғирга қарамасдан икки иш ҳафтасида ҳосилнинг учдан икки қисмини йиғиштириб олди. Область бўйича йиллик планнинг 6 процентигача пахта тайёрланган кунлар бўлди.

Лекин булар ҳам яна ўшалар — пешқадамлар. Бошқа хўжаликларда, районларда, областларда аҳвол қандай?

Бу мавсумда республика бўйича 36,7 мингта пахта териш машиналари ишга тайёрланди, беш йилликда машиналар паркининг тўртдан уч қисми янгиланди, янада унумлироқ, шинамроқ комбайнлар етказиб берилди. Улар сафга қўшилди-ю, лекин яна мушкул ҳолатга тушди. Манзара чиндан ҳам ташвишли. Тошкент, Сирдарё, Наманган областларида созланган машиналарнинг деярли ҳаммаси ишлатилаётган бўлса, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон областларида уларнинг ярмидан камроғи, Бухоро областида 2.700 тадан бор-йўғи 600 таси, Навоий областида 1.280 тадан 450 таси ишлатилмоқда, холос.

Бир дақиқа ғаллазорга назар ташлайлик. Ўрим-йиғим пайтидаги бунақа аҳвол тасаввурга ҳам тўғри келмайди. Бир маркадаги комбайн бир хил даражадаги ҳосилдорлик шароитида бир областнинг ўзида қўшни областдагига нисбатан 4—5 баравар паст унум билан ишласа бу ҳол билан келишиш мумкинми? Пахтачиликда эса бу одатдагидай ҳодисага айланиб қолган. Тошкент областида бункердан кунига ўртача 8 тоннадан пахта бўшатилмоқда, Қашқадарёда эса худди шундай об-ҳаво шароитида, худди шундай машиналарда 2 тоннадан ҳосил терилмоқда. Комбайнларнинг тенг ярми мавсум давомида бекор турадиган бўлса, бунга қанақа экономика тоқат қилиши мумкин! Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг ҳисоб-китобларига қараганда энг қизғин пайтларда далаларнинг марзаларида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг 200 миллион сўмлик кача бўлган қисми «қантариб» қўйилади.

Эҳтимол зангори кема кўнгилдагидек эмасдир?

— Олимлар ва конструкторлар бош қотиришлари, «найза»лари тиғини қаратишлари зарур бўлган масалалар бор, албатта, — шартта жавоб беради Х. Акрамов. — Лекин деҳқон сифатида очиғини айтиб қўя қолай, пахтакорнинг ихтиёрида терим техникаси мавжуд, айтиш мумкинки, у кўпам ёмон эмас. Унинг нимага қодирлигини ўзингиз кўрдингиз-ку. Биз бу машиналарни яна камида икки беш йиллик давомида ишлатишимиз мумкин...

Машина теримини ташкил этиш билан боғлиқ хўжалик ишларида тартибсизликлар оз эмас. Машиналарнинг кўпчилиги нари-бери ремонтдан чиқарилган. Масалан, Жиззах областида тунги теримга ўтишмоқчи бўлишувди, бундай қарашса машиналарнинг чироқлари йўқ. Техникани қўлланишга ҳалақит бераётган сабаблар турли-туман. Лекин битта ҳал қилувчи бориси бор. Машинага нисбатан тахминларга асосланиб фикр юритиш ҳамон давом этмоқда. Механизаторлар, хўжалик раҳбарлари билан қилинган сонсаноқсиз суҳбатларни эшитганда шундай қарорга келиш мумкин. Бунинг оқибатида аксарият хўжаликларда далалар машина теримига кўнгилдагидек тайёрланмайди, дефолация пала-партиш ўтказилади, сўнгра эса агрегатларнинг бекор туриб қолганини оқлаш мақсадида важ-корсон кўрсатишади ёки мўлжалдаги ҳосилни териб бермайди, деган хавотирда уларни пайкалга чиқаришдан чўчишади.

Навоий номли колхозидаги Хирмоноқўрғонга кўтарилиши биланоқ 1948 йилда биринчи совет пахта териш машинаси СХМ—48 ишлаган далани кўришингиз мумкин. Ўшанда Х. Акрамов 9-синфда ўқирди. Икки йилдан сўнг у СХМнинг рулини бошқарди, кейин эса қўш қаторли дастлабки агрегатга ўтди. Кунлардан бирида унинг машинаси терган пахта толаси қўлда терилганига нисбатан мустаҳкамроқ эканлигини айтишганда аввалига у ишонмади, орадан кўп ўтмай худди шундай эканлигига қаноат ҳосил қилди. Бора-бора машинада терилган пахта қайси кондицияда бўлмасин унинг ҳаммасига биринчи сорт нархи билан ҳақ тўлаш тартиби ўрнатилди. Холдор Акрамов хўжаликларнинг раҳбарларини машиналардан фойдаланишга қўниктириш, пахта даласидан қўл меҳнатини сиқиб чиқариш учун бундай чора зарур эканлигига, машинанинг техник имкониятлари бунга тўласинча жавоб беришига қаноат ҳосил қилди.

Аввалида шундай бўлди ҳам: машиналарда терилган пахта ассортименти қўлда терилганидан ёмон эмасди. Аммо фақат виждонан ишлашга мўлжалланган ҳақ тўлаш системасидаги танг жойлар актив тарзда таъсир кўрсата бошлади. Қўлда терилган иккинчи ва учинчи сорт, ҳатто кўрак чувиш агрегатидан чиқарилган тўртинчи сорт пахта ҳам юқорироқ нархда ҳақ олиш мақсадида машина терими ҳисобига ўтказиладиган бўлди.

Ана шундай муносабат туфайли қишлоқда ишчи кучи ниҳоятда кўп бўлгани, баъзи жойларда ошиб-тошиб ётгани ҳолда машиналарнинг техник имкониятлари ва амалдаги самарасини бузиб кўрсатиш кайфияти қарор топди. У шу қадар чуқур томир ёйдики, 1983 йилда жорий этилган янги ГОСТга биноан машинада ва қўлда терилган пахтанинг нархи тенглаштирилиб, тола чиқишига (машина толани ҳам бузади дейишарди) боғлаб қўйилганида ҳам бунга мантиқсиз ва ғайритабиий бир нарса сифатида қаралди. Экономистлар жойлардаги ходимлар даврасида янги ГОСТ муносабати билан кўриладиган «зарар» ҳисобкитоб қилинадиган, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ҳақ тўлашнинг янги шаклларини таклиф эта бошлашди. Машинанинг ўзи эса шубҳалар соясида қолиб кетди.

Шу орада кўпгина хўжаликлар, районлар, шунингдек, Тошкент ва Сирдарё областларида, хуллас ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида териладиган, иборали қилиб айтганда чекинишга йўл қолмаган жойларда қатъий тарзда қайта қуриш авж олди, ишнинг янги шароитларига ўтилди, машина ҳам, ундан фойдаланиш ҳам такомилига етказилди. Хуллас, кутилгани рўй берди: ўз ишини қайта қурганларни янги ГОСТ орқага эмас, олға етаклади, хўжаликлар ва қишлоқ районлари раҳбарларининг машиналардан фойдаланиш, тармоқнинг умумий маданиятини таъминлаш соҳасидаги масъулиятини оширди, интенсив технологияни жорий этишни тезлаштирди. Ҳамма нарса ўз ўрнини топадиган, соғлом, бақувват негизга асосланадиган бўлди.

Бундан уч йил муқаддам «Известия» Пискент райони пахтакорлари ўз ишларини қайта қура бошлаганликлари ҳақида ёзганди. Энди унинг натижалари тўғрисида гапириш мумкин. Ўтган йили район бўйича қўлда терилган биринчи сорт пахта 47,6 процентни, машиналарда терилгани 66,8 процентни ташкил этди. Пахтага ундан чиқадиган толага қараб ҳақ тўлаш бошланганида пахта тозалаш саноати ходимлари машина панд бериши мумкин дея ташвишланганликларини ҳамон эслайман. Аксинча, машиналар иш беришди. Гарчи бир неча процент бўлса-да, бункерлардан бўшатилган пахта толасининг чиқиши юқори бўлди. Мана умумий якун: район қўлда терилган ҳар тонна пахта учун ўртача 623 сўмга, машинада терилгани учун эса 667 сўмга эга бўлди.

Тошкент областини олайлик. Қўлда терилган пахтанинг 35 процентга яқини, машинада терилганининг эса 50 процентдан зиёдроғи биринчи сортлидир. Умуман республика бўйича дастлабки кўрсаткич қўл терими фойдасига тахминан бир процент зиёд, лекин ёппасига олганда иккаласи бўйича машиналар фойдасига сўз юритиш мумкин.

Афсуски, кўпчилик ҳали ҳам машина терими самарадорлиги хусусида эскича тасаввурдан воз кечолгани йўқ. Хўжалик юритиш соҳасидаги рағбатлантирувчи янги кучнинг тарбиявий ва ташкилий таъсири тармоқда ҳали ишга солинмаган, экономистлар томонидан умумлаштирилмаган. Шундай бўлгач, пешқадамлар пахтазор денгизида машиналар тезлигини ошираётган бир пайтда кемаларнинг тенг ярми мушкул аҳволдалигига ҳайрон қолишнинг ҳожати йўқ.

...Пахтачилик учун йил оғир келди. Ҳосил катта меҳнат эвазига етиштирилди. Мавсум ёғин-сочин остида ўтмоқда. Шунинг учун ҳам машиналар армадаси ҳозирги пайтда ёппасига далаларга чиқарилмоғи зарур.

**Г. ДИМОВ,**
**«Известия»нинг ўз мухбири.**
**Ўзбекистон ССР.**
**(«Известия»нинг 21 октябрь сони).**

# ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

20 октябрь куни Кремлда Н. И. Рижков билан П. Шлютер ўртасида музокаралар бошланди. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар ва энг муҳим халқаро проблемалар амалий, ижобий руҳда муҳокама қилинди. Ҳукуматларнинг бошлиқлари барча давлатлар тинчлик манфаатлари йўлидаги фаолиятни активлаштиришлари, улар кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида амалий чоралар кўришлари керак, деган фикрни билдирдилар. Ҳар иккала томон СССР ва АҚШ раҳбарлари учрашувй фактига юксак баҳо берди, шу учрашувнинг ўзиёқ олға томон қўйилган қадамдир. М. С. Горбачев билан Р. Рейганнинг музокаралари ҳозирги замоннинг қуролсизланиш каби ва бошқа энг муҳим проблемалари юзасидан сиёсий мулоқотларни давом эттириш ҳамда битимларга эришиш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Умуман халқаро проблемалар юзасидан ва икки томонлама муносабатларга оид масалалар хусусидаги фикрлашувлар томонлар бир-бирларининг позицияларини яхшироқ тушуниб олишларига ҳамда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш соҳалари ва истиқболларини аниқлашга ёрдам берди.

* * *

Катта Кремль саройида П. Шлютер билан унинг рафиқаси шарафига СССР ҳукумати номидан зиёфат берилди.

Совет томонидан Н. И. Рижков рафиқаси билан, Г. А. Алиев, Н. В. Тализин, В. С. Мураховский, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Н. И. Рижков ва П. Шлютер нутқ сўзладилар. Нутқлар эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди. (ТАСС).

# ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АШХОБОД, 20 октябрь. (ТАСС). Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида Тошновуз область партия ташкилотида партия ва давлат интизомини қўпол бузиш, қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, порахўрликка, давлатни алдашга ҳомийлик қилиш ва кадрлар сиёсатини амалга оширишдаги қалбакичиликлар масаласи кўриб чиқилди.

Туркманистон Компартияси Тошновуз область комитетининг биринчи секретари Б. Отаев ва область ижроия комитетининг раиси К. Моллаев ишдан олиниб, партиядан ўчирилди.

# СОДИҚ ЛЕНИНЧИ

ТБИЛИСИ, 20 октябрь. (ТАСС): Бугун бу ерда Коммунистик партия билан Совет давлатининг арбоби Г. К. Оржоникидзе туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Паташвилининг докладида, сўзга чиққан кишиларнинг нутқларида Серго Оржоникидзе социалистик қурилишнинг ленинча принципларини ҳамиша ҳужумкорлик позицияларида туриб амалга оширганлиги уқтириб ўтилди. В. И. Ленин энг яқин сафдоши ва шогирдининг бутун ҳаёт йўли партия ва халққа садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Шимолий Кавказда ва Закавказьеда Совет ҳокимиятининг галабаси ва унинг дастлабки қадамлари С. Оржоникидзе номи билан боғлиқдир.

Серго коммунистик ахлоққа, Совет турмуш тарзига зид бўлган ҳамма нарсага муросасиз эди. Унинг ўзи ҳам ниҳоятда софдил ва ҳалол коммунистнинг, коммунистик бунёдкорлик ва дунёни янгилаш буюк мақсадларига чексиз содиқликнинг илҳомбахш намунаси эди. Партия ўз аъзоларининг софдил ва ҳалол қиёфаси учун муросасиз кураш олиб бораётган бугунги кунда ана шу фазилатлар, айниқса, қимматлидир.

*Машина теримига кенг йўл*

# СУСТКАШЛИК ДОҒДА ҚОЛДИРАДИ

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги тугади. Бироқ пахтамиз салмоғи эндигина 3.703,6 минг тоннага ёки планнинг 64,97 процентига етди. Бу — ўтган йилнинг шу кунигача тайёрланган ҳосилдан 7,13 процент кам демак. Машинада эса планнинг 50,16 проценти миқдорида ёки 1605 минг тонна пахта териб олинди. Бу — ялпи ҳосилнинг 43,3 проценти холос.

Мавжуд 132 райондан фақат иккитаси — Ўзбекистон ва Чиноз районлари, 1272 хўжаликдан 2,4 проценти йиллик пахта тайёрлаш планларини бажардилар. Пахтачилик бригадаларининг эндигина 2100 таси (улар 280 минг атрофида, ахир!) маррага етди.

Тўғри, октябрнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ойлик ёғин миқдори 1,5-2 норма атрофида бўлди. Бу эса пахтазорда йиғим-терим ишларини анча мушкуллаштирди. Лекин кўпгина хўжалик раҳбарларининг таъкидлашича, бу ҳол терим суръатининг пасайишига баҳона бўлмаслиги керак эди. Зеро, иш мароминнинг сустлашувига жойларда меҳнатни ташкил этишдаги уқувсизлик, технология ва ижро интизомларининг бузилиш ҳоллари сабаб бўлди. Машина теримининг афзаллиги ҳақида қанча гапирилмасин Элликқалъа, Амударё, Боғот, Хўжаобод, Шофиркон, Бухоро, Жиззах, Чироқчи, Тўрақўрғон, Чуст, Иштихон, Сариосиё, Олтинсой ва бошқа қатор районларнинг раҳбарлари уларнинг иш унумдорлигини оширишга ҳануз етарли эътибор бермаётгирлар. Жумладан, Нишон районидаги 1- ва Чўли Бегимқулов номли 9-совхозларда технология интизомига риоя қилмаслик туфайли машина терими барбод берилди. Сабаб — ҳар икки хўжалик ғўза майдонларида чеканка вақтида ўтказилмади. Дефолиация сифатсиз бўлди. Бегона ўтлардан тозаланмади. Аҳвол аввал бошдан шундай бўлгач, машина терими ҳақида бугун қандай гап бўлиши мумкин?!

Усмон Юсупов районидаги «Тошкент», ва 24-совхозларда пахтани ташишда катта исроф-гарчиликларга йўл қўйилаётир. Йўлларда, хирмонларда ва дала шийпонлари атрофларида сочилиб ётган тўп-тўп пахталарни кўрасиз.

Нишон, Ульянов, Муборак ва Усмон Юсупов районлари хўжаликларида терим машиналари мавсумга вақтида шайлаб қўйилмади. Нишон районида 547 машинадан 358 таси, Ульянов районида 352 тадан 244 таси, Муборакда 291 тадан 106 таси, Усмон Юсупов районда эса 358 агрегатдан атиги 225 таси теримга тушганини нормал ҳол деб бўладими? Шунинг учун ҳамки, Қашқадарё областида ҳозир аҳвол жуда оғир. Бу ерда пахта тайёрлаш плани эндигина 43,21 процентни ташкил этди. Машина терими топшириғи эса 20,28 процент уддаланди. Область республикада пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотда энг охирги ўринни эгаллаб турганлиги боиси ҳам шунда.

Навоий области хўжаликларида ҳам аҳвол ташвишли. Бу ерда бугунгача йиллик планнинг бор-йўғи 45,90 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Машина терими топшириғи зўрға 16,52 процентга етди.

Областда мавжуд 1276 та терим агрегатидан йиғим-теримда 400 га, яқини, бошқача айтганда учдан икки қисми қатнашаётганини нима деб изоҳлаш мумкин. Катта-катта маблағлар ҳисобига сотиб олинган, қайта-қайта ремонт қилинган комбайнлар бутун мавсум давомида ишламай турса-ю, хотиржам юриш мумкинми? Агар шу агрегатлар тўла қувват билан ишлатилганда эди областда бугунгача яна 40 минг тонна пахта териб олинган бўларди.

Мисол учун Навбаҳор, Қизилтепа районларини олинг. Навбаҳорда йиллик пахта тайёрлаш плани ҳозир 40 процентни, машина терими топшириғи 14,78 процентни ташкил этиб турибди. Қизилтепа райони хўжаликлари эса машина терими планини бутунлай барбод бериб қўя қолишди. Бу— уят!

Навбаҳор районидаги «Гигант» совхози ва Хатирчи районидаги Киров номли колхозда аҳвол ташвишли. Қорақалпоғистон автоном республикасининг Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа ва Амударё сингари жанубий районлари илгари йил сайин пахта тайёрлаш суръатига-суръат қўшиб келишарди. Афсуски, бу йил мазкур районларда сафарбарлик етишмаётир. Айниқса, машина терими қониқарсиз аҳволда. Бугунгача уларда йиллик пахта тайёрлаш плани 67-56 процент атрофида бажарилгани билан келишиб бўладими? Қолаверса, ҳозирги долзарб дамларда ҳам уларнинг ҳар бирида 120-250 тадан терим машиналари ҳаракатсиз турибди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, теримда меҳнатни тўғри ташкил этиш ва технология жараёнларини такомиллаштириш туфайли Тошкент области механизаторлари ибрат кўрсатмоқдалар. Бу ерда машиналарнинг 90 процентидан самарали фойдаланилиб, ҳар бир агрегат иш унумини ўртача 2,3 тоннага етказишга эришилмоқда. Ёхуд бу — областда териб олинган кунлик пахтанинг 54 процентини ташкил этмоқда.

Таассуфлар бўлсинки, бошқа айрим областлар ҳақида шундай дейиш қийин. Чунончи, Бухоро областида шу кунларда терим агрегатларининг бор-йўғи 6 проценти ҳаракат қилялти. Уларнинг ҳам иш унумдорлиги атиги 0,9 тоннага тўғри келмоқда. Шунингдек, Навоий, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё областларида ҳам мавжуд машиналарнинг 63-69 проценти ишга жалб этилмаётир.

Пахтакор ўртоқлар! Куз пахта йиғим-терими учун жуда оз фурсат ажратади. Ҳозирги обҳавонинг очиқ кунларида ҳар бир пахта териш техникаси ва ишчи кучларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг. Механизаторлар, теримчилар ва ҳашарчилар алоҳида ардоқда бўлсин. Уларни қулай иш шароитлари билан таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш етиштирилган ҳосилни тезроқ ва созроқ йиғиштириб олишга, ҳар центнер пахта таннархини

# ХАРИДОР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ ҚАЙТА ҚУРИШ

21 октябрь куни Тошкентда талаб-эҳтиёжни комплекс ўрганиш ва прогноз қилиш системасини жорий этувчи Бутуниттифоқ мувофиқлаштирувчи кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Савдо, енгил саноат, матлубот кооперацияси ташкилотларидаги ишларни тезроқ қайта қуриш вазифаларига бағишланган мажлисда барча иттифоқдош республикалар савдо министрларининг ўринбосарлари, Бутуниттифоқ конъюктура ва талаб-эҳтиёж масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институти республика филиалларининг раҳбарлари, СССР Енгил саноат министрлигининг, матлубот кооперациясининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, СССР савдо министрининг ўринбосари И. Л. Давидов очди. У харидорларнинг талаб-эҳтиёжини ўрганиш, саноат ва савдонинг аҳоли талабларига тезлик билан эътибор бериши — манфаатдор ташкилотларнинг бош вазифаси эканлигини таъкидлади. Компьютер техникасини кенг қўлланиш, виставкалар ва харидорларнинг конференцияларини мунтазам равишда ўтказиб туриш, олинаётган ахборотни малакали тарзда қайта ишлаб чиқиш савдонинг муваффақиятли ишлаши, бинобарин эса аҳолини юқори сифатли товарлар билан тўла-тўкис таъминлаш гаровидир.

Харидорларнинг талаб-эҳтиёжини ўрганиш қандай роль ўйнашини Ўзбекистон намунаси яққол кўрсатиб турибди. Республикада кейинги бир ярим йил мобайнида 20 та фирма магазини очилди, 600 та кўргазма, харидорларнинг 700 та конференцияси ўтказилди. Натижада енгил саноат «Н» индекси билан белгиланган жами 152 миллион сўмлик ўнлаб буюмларни конвейерга қўйди.

Аммо биринчи навбатда харидор манфаатдор бўлган қайта қуриш ҳали секинлик билан олиб борилаётганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди. Тажрибанинг йўқлигидан ташқари айрим раҳбарларнинг ишни янгича олиб боришни истамаётганликлари ҳам бунга халақит қилмоқда. Савдо ташкилотларида талаб-эҳтиёжни ўрганувчи мутахассислар кам, компьютер техникаси ва бошқа техника етишмаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси муҳим халқ хўжалик тармоғида жадаллаштиришга тўсқинлик қилмоқда, саноат билан қалин баҳамжиҳат ҳамкорликни йўлга қўйишни қийинлаштирмоқда.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Ёгарок қатнашди. (ЎзТАГ).

# ИЖОДКОР ЁШЛАРГА— ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

21 октябрь куни Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг Тошкентда бўлиб ўтган пленумида истеъдодли ёшларнинг фаолиятига кенг уфқ очиб бериш, уларга ишониш, уларни муҳим ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга актив жалб қилиш ҳақида гаплашиб олинди. Пленум КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ижодкор ёшлар билан ишлашни яхшилаш масалаларини муҳокама қилди.

СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг секретари кинорежиссёр Э. Эшмуҳамедовнинг пленумдаги ахборотида ва бошқаларнинг нутқларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ёш кино арбобларининг ижодий ўсишини, активлигини жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Кейинги вақтларда бир қатор ёш сценарийчилар, режиссёрлар, операторлар, актёрлар ўз кучларини синаб, дастлабки асарларини яратдилар. Ёш кинематографчилар клуби ташкил этилди. Драматургларнинг икки йиллик курсига қабул эълон қилинди. Ёшларнинг «Дебют» бирлашмаси иш бошлади.

Аммо эндигина бошланган ўзгаришлар хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмаслигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Учта киностудиядаги дебютлар сони ёш кинематографчилар ижодий имкониятларига монанд эмас. Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини битириб келган кўпгина кишилар ҳали ҳам узоқ вақтгача ижодий жараёндан четда қолмоқда, профессионал қўникма ҳосил қила олмаяпти, натижада олий ўқув юртида олган билимлари зое кетмоқда. Пленумда сценарий устахонасининг ишини кучайтириш, ёш мутахассисларни ижодий союзга кенгроқ жалб қилиш, республиканинг ёш адиблари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, моддий базани мустаҳкамлаш, ёш кинематографчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ёш кино арбобларининг янги ишлари кўриги ва муҳокамаси ўтказилди.

Пленум ишида қардош республикалардан, Москва ва Ленинграддан келган кинематографчилар қатнашдилар. (ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми XI беш йилликда эришган юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, рационализаторлик ишидаги шахсан катта натижалари, ижтимоий ҳаётдаги актив иштироки учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор»** фахрий унвони берди:

**Боқиев** Нурулло Мустақимович — Бухоро пиллакашлик фабрикаси мастерининг катта ёрдамчиси.

**Гадоев** Матвей Еқубович — Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Самарқанд область Советининг раиси.

**Кандауров** Юрий Антонович — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Гулистон тажриба ремонт-механика заводининг электр пайвандчиси, Сирдарё области.

**Ковалев** Николай Александрович — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети «Хорезмсовхозводстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармасининг токари, Урганч шаҳри.

**Соғибоев** Биржон — «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчилар бригадасининг бошлиғи, Навоий области.

**Тожибоев** Саидумурод Нортоевич — Ғаллаорол район агросаноат бирлашмаси ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг сайқалчиси, Жиззах области.

**Терешченко** Юлия Тимофеевна — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 93-ихтисослаштирилган трестига қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи, Тошкент области.

**Худдиев** Бегенч Маъсумович — «Главташкенстрой» ҳажмли блок уйсозлиги эксперименталь комбинати конструкторлик-технология бюросининг бош бинокори.

**Шаробиддинов** Жанобиддин — Наманган абрли газламалар комбинати марказий ремонт устахонасининг бошлиғи.

**Ёқубов** Одилжон — «Андижонгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер-конструктори, Андижон области.

Республика халқ хўжалиги тармоқларининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## ИДЕОЛОГИЯ ИШИ: ТАЖРИБА АДРЕСЛАРИ

# 1. ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Шу кунларда Наманган диёрида Ўзбекистон тарихидаги қаҳрамонона саҳифаларнинг бири жонланди. Суратга олинаётган фильмнинг эпизоди Катта Фарғона канали қурилиши тўғрисида ҳикоя қилади. Партия етакчиси киноқиссанинг марказида туради. Унинг большевикларга хос оташин сўзи, ҳормас-толмас ғайрат-шижоати, букилмас иродаси ниҳоятда қисқа муддат ичида улкан об-ҳаёт йўлини очган минг-минглаб кишиларни меҳнат жасоратига отлантирган эди.

Биринчи беш йилликлардаги коммунистларнинг, омма орасида яшаган, халқнинг манфаатлари билан яшаган кишиларнинг образлари кўпгина наманганликларнинг хотирасида яшаб келмоқда. Шу боисдан улар баъзида мислсиз маҳрумликлар ва қийинчиликлар билан курашда қаттиқ туриб ҳимоя қилган идеалларга ишонч одамларнинг кучига-куч қўшганди.

Фильмни суратга олиш ўтмишдан бугунги кунга кўприк ташлагандек бўлди. Омма билан бирга бўлиш, унга етакчилик қилиш— саксонинчи йилларнинг коммунистлари революцион қайта қуришни бошлаб, давом эттираётган ўша қудратли ғайратшижоатнинг ҳозир ҳам манбаи бўлиб қолмоқда. Бу— КПСС XXVII съезди партия ва халқ олдига қўйган бош вазифадир.

Норин район партия комитетининг биринчи секретари Маҳмуджон Мирзабоев бу вазифани мавҳум тарзда тасаввур этмайди. У халқ билан жонли мулоқот, иш ва сўз бирлигини район партия ташкилоти кундалик фаолиятига ҳозир сингиб кетган ўша изланиш муваффақиятининг гарови, деб билмоқда. Секретарь шу изланишнинг йўллари ҳақида фикр юритар экан, яқинда «Коммунизм» колхозида бўлганлигини эслади. У дарҳол бригадаларга, йиғим-терим мавсумининг қизғин маромида сезилиб турган жойга борди. Партия раҳбарини аввало одамлар, уларнинг кайфиятлари ва талаб-эҳтиёжлари, хўжаликдаги ишларнинг аҳволига улар бераётган баҳо қизиқтирди.

— Бу йил йиғим-теримни ўқувчилар ва шаҳарликларнинг ёрдамисиз уддалаймиз, деб ўйлаймиз, —Тўққизинчи бригада бошлиғи Мухторҳожи Мадаминов ва ўн иккинчи бригада бошлиғи Абдуманноп Ғаниев шундай фикрни билдирдилар.

Колхоз раиси билан, механизаторлар билан, партия комитетининг аъзолари билан суҳбатларда терим стратегиясини аниқлаб олди. Асосан ўз кучларига умид боғлаб юксак суръатларга эришиш ана шу стратегиянинг мақсади эди. Бунда техникадан моҳирлик билан самарали фойдаланиш —асосий вазифа. Райком секретари бу ҳақда жиддий ва қатъий қилиб гапирди.

Маҳмуджон Мирзабоев йиғим-теримни яқин кунлар ичида тугаллаш мумкин ва лозимлигига пахтакорларни гапга чечанлиги билангина ишонтириб қолгани йўқ. Аҳвол эса мушкул эди: ҳар иккала бригада ўша пайтда колхоз, ҳатто район маълумотининг энг охирида эди. Колхозчилар қирқ икки ёшли партия ходими сиймосида яхши ташкилотчилик фазилатларига эга бўлган кишинигина эмас, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги проблемаларини миридан-сиригача билувчи мутахассисни кўрганликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, олий маълумотли, фан кандидати дипломига эга бўлган райком секретарига ишонмай бўлармиди, ахир. Шу лавозимга сайлангунга қадар у кўп йиллар агроном бўлиб ишлаганди. У пахта териш машинасини дадил бошқаришини, ҳар қандай техниканинг ипидан-игнасигача яхши тушунишини райондагилар билишади.

«Коммунизм» колхозининг пахтакорлари ўз ваъдаларини бажаришларига Маҳмуджон Мирзабоев шубҳа қилмасди. Шундай бўлиб чиқди ҳам —улар машина терими топширигини Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб уддалидлар ва белгиланган суръатга эришишни давом эттирмоқдалар.

Хўш, бу райком ишидаги янги услубми? Хулоса чиқаришга шошилмайлик. Бу услубда муайян ижобий ўзгаришлар намоён бўлганлигини айтиб ўтамиз, холос. Норинда ҳам, шунингдек, областдаги бошқа кўпгина район ва шаҳарларда ҳам партия ходимлари инсонга тўғри ёндашувни топишга, аввалги хатолар юкидан тезроқ халос бўлишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида ва партия XXVII съездида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленумида ана шу хатолар тўғрисида рўй-рост ва ҳаққоний айтиб ўтилди.

— Биз ҳаммамиз идеология ишини такомиллаштириш муҳимлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз, —деди райком секретари. — Бундан кузатилган мақсад —жамиятни янги вазифалар томон буриб юборишда, ҳар бир меҳнат коллективининг куч-ғайрати ва ижодий потенциалини ана шу вазифаларни ҳал этишга йўналтиришда, қайта қуришнинг революцион характерини англаб олишда, жадаллаштириш сари бундан бошқа йўл йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини тушуниб етишда ҳар бир кишига ёрдам беришдан иборатдир. Чунки кишиларнинг онглилиги ва ташаббускорлиги, уларнинг интизоми ва уюшқоқлиги қанчалик юқори кўтарилса, халқнинг жонли ижодкорлиги қанчалик қудратли ва кенг кўламда тўла куч билан авж олиб кетса, бизнинг олға томон ҳаракатимиз шунчалик тезлашади.

Маҳмуджон Мирзабоевнинг ишончи комил: идеология иши учун ҳамма —райкомнинг биринчи секретаридан бошлаб, то инструкторгача жавобгар бўлган тақдирда, ҳар қандай даража ва лавозимлардаги ходимлар бу ишни қатъият ва ташаббускорлик билан олиб борганлари тақдирда иш юришиб кетади. Муваффақиятнинг энг асосий шарти эса тадбирлар билан умуман «ялпи» қамраб олишда эмас (яқин ўтмишда ана шундай кўрсаткич билан фахрланиб мақтанишарди), балки партия қарорларини ҳар бир кишининг ақли ва қалбига етказа билишдадир. Ўзини меҳнат коллективининг ажралмас бир бўлаги деб ҳис этган ва ҳамон шундай деб ҳис этаётган кишигина бундай қила олади.

Район партия комитетидаги 19 ходим орасида эндиликда ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлмаган, ташкилотчилик фаолиятида муайян кўникма орттирмаган киши йўқ. Шундай қадамни қўйиш керак эди. Кейинги уч йил мобайнида райком раҳбар кадрлари номенклатураси деярли етмиш процент янгиланди. Коммунистик ахлоқ принципларини бузган кишиларгина эмас, шу билан бирга маъмуриятчилик усулидан воз кечишни истамаган, иш ўрнига бақириқ-чақириқ билан сафсатабозлик қилишга одатланиб қолган кишиларнинг ҳаммаси ҳам райком составидан чиқарилди.

Райкомдагилар раҳбар кадрларни танлаш чоғида бошланғич партия ташкилотлари билан, албатта, маслаҳатлашиш ва лавозимга кўтариш чоғида одамлар билан ишлай билиш қобилиятини бош мезон, деб ҳисоблаш қоидасига қатъий амал қилмоқдалар. Коммунистлар, ҳатто анкета маълумотларига кўра юқори лавозимга муносиб бўлган ўртоқларни кўтаришга ҳамиша ҳам тавсия этавермайдилар. Жумладан, ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг бош инженери Солиаҳмад Абдуллаев билан шундай воқеа рўй берди. Уни райкомда ишлашга таклиф қилмоқчи бўлишди, у ишбилармон одамлигини, дуруст мутахассис эканлигини биларди. Лекин Абдуллаевнинг ўртоқлари айтган фикрга қўшилишга тўғри келди, унга, сиз одамлар билан ишлаш малакасига эга эмассиз, деб очиқ-ойдин айтилди. Район партия-хўжалик активи мактабининг курсини ўтаб, ўзини ишда кўрсатишни таклиф қилишди.

Жамоатчилик фикри ниҳоятда аниқ кўрсаткичдир. Қарорларни қабул қилиш чоғида Норин райкомида айни мана шу кўрсаткичга амал қиладилар. Масалан, партия комитети ходимларининг қишлоқ йиғинларидаги иштироки анъанавий бўлиб қолди. Расмиятчиликка ва ташкилотчилик ишлари билан кўмилиб қолишга барҳам бериш имкониятини яратадиган шундай учрашувларни тайёрлаш методикаси ишлаб чиқилди. Аҳоли йиғин чақирилишидан камида бир ҳафта илгари ундан, унинг кун тартибидан хабардор қилинади, шу тариқа умумий муҳокамага қўйиладиган масалаларни ўйлаб кўриш учун вақт берилади. Асосий эътибор кишиларни тўлқинлантирувчи, ҳаётнинг ўзи кўрсатган проблемаларга қаратилади. Масалан, Думар қишлоғидаги йиғинда болалар муассасалари тармоғини ривожлантириш тўғрисида кескин гапирилди. Бу муассасаларга етарлича эътибор берилмаётган эди. Коммунистлар йўл кўрсатишди —уларнинг ташаббуси билан ҳашар усулида болалар боғчаси барпо этилди, дала шийпонидаги обод бинолардан бири бошланғич мактабга мослаштирилди. «Октябрь» колхозидаги йиғинда маъмурий корпуса амбулаторияни жойлаштиришга қарор қилинди.

Райком ходимлари Ягона сиёсий кунларни, айниқса, пухталик билан тайёрлайдилар. Ягона сиёсий кунлар асосан ҳисобот учун ўтказилган —докладчи олдиндан тайёрлаб қўйилган текстни минбарда туриб бир оҳангда ўқиб берган, бу эса тингловчиларда ҳеч қайдай таассурот қолдирмаган пайтлар ўтиб кетди. Ҳозир шу нарса аниқ маълумки, сенга хўжаликда сиёсий кунни ўтказиш топширилган эканми, бошланғич партия ташкилоти билан барвақт алоқа боғлаб ишнинг моҳиятини билиб ол, шундан кейингина минбарга чиқиб гапир, гапирганда ҳам шундай гапиргинки, сени тинглаётган кишилар ҳаракатга келсин, суҳбат авж олсин. Бошқача айтганда, сиёсий кун монологга айланмай, балки ҳақиқий суҳбат бўлиб қолсин. Райком яна бир қатъий талабни қўймоқда: халқ билан суҳбатлашганда ўткир жиҳатларни текислаб кетмай, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни гапириш керак.

Йиғинлар, сиёсий кунлар, шунингдек, вақти-вақти билан ўтказилиб туриладиган «Очиқ хатлар куни» қишлоқ меҳнатчиларига район экономикаси ва маданияти тараққиётини танқидий анализ қилиш учун реал имконият бермоқда.

Йўл қурилиш бошқармасининг экскаваторчиси Ваҳоббой Темиров автохўжаликдаги қўшиб ёзиш фактларини сиёсий кунда очиб ташлади. Текшириш бундай практика бошқа бўлинмаларда ҳам илдиз отганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ишчи берган сигнал райком бюросида муҳокамага сабаб бўлди. Айбдорлар қаттиқ жазоланди.

«Октябрь» колхозининг меҳнаткашлари ер фондини тақсимлашда тартиб ўрнатиш тўғрисида жиддий масалани кўтариб чиқдилар. Мутахассислар райком топширигига биноан ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқиб, қўшимча 200 гектар унумдор ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мумкинлигини исбот қилдилар ва бу иш амалга оширилди.

Уйчи район партия комитетининг ходимлари ҳам кишилар билан самарали ишлаш йўлларини актив изламоқдалар. Райкомнинг биринчи секретари Сайфитдин Тошпўлатов кишиларнинг дунёқарашини моҳирлик билан шакллантираётган, уларни Ватанга, Ленин партиясига астойдил садоқат руҳида тарбиялаётган, ижодий активлигини ривожлантираётган энг яхши пропагандистлар ва сиёсий докладчиларнинг, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг номларини ва фамилияларини ҳеч қийналмай ёд айтиб беради.

Сайфитдин Тошпўлатов қирқ ёшда. У Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини битириб, колхознинг бош инженери, қўшни районда халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаб, анча тажриба ортирган. Тарбия ишлари методикасига нисбатан унинг ўз нуқтаи назари бор: конкрет мисоллар билан ишонтиришни энг яхши усул деб билади.

Илгари районда аҳвол қандай эди? Техника оз ва уни ишлатиш ҳамиша ҳам юксак даражада деб бўлмасди. Баъзи механизаторлар машиналар тўғрисида қайғуришмас, мавсум тугагач, уни дуч келган ерга ташлаб кетаверишарди. Райком биринчи секретарининг маслаҳатига кўра Ленин номли колхозда намунали машина қўраси барпо этилди. Сеялкалар, культиваторлар, машина ва механизмлар бостирма тагига олинди. Буғ билан иситиладиган биринчи класс устахона қурилди, корпусларнинг бирида дарсхоналар, ошхона ва... фин ҳаммоми очилди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта.

Натижада бу парк мутахассисларга ишлаб чиқариш маданияти тўғрисидаги кўпгина лекциялардан ҳам кучлироқ таъсир этди. Кўра очилганидан сўнг колхоз механизаторлари қаддиларини ростлаб, ишга кўнгил қўйиб қарайдиган бўлиб қолдилар. Эндиликда Ленин номли колхоз бошқа хўжаликлар учун ўзига хос мактаб бўлиб қолди.

Сайфитдин Тошпўлатов Норин районидаги ҳамкасби каби партия аппарати ходимларининг кўпчилиги ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарларига омма ўртасида ташкилотчилик фаолияти кўникмаларини сингдирэ билди, уларни кишилар билан гаплашишга ўргатди. Хўш, совет органларининг ходимлари, хўжалик ходимлари бу кўникмаларни қандай эгаллаяптилар?

Бу саволга Уйчи район партия комитети секретарининг учинчи механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Абдулазиз Йўлдошев қуйидаги гаплари жавоб бўлади. Унга инсон омилини яхшироқ назарда тутиш, қўл остидаги кишиларни ҳурмат қилиш керак, деб неча бор гапиришди. Бирги на панд-насиҳатлар камлик қилганлигини кўришгач, унинг ҳисоботи очиқ партия мажлисига қўйилди. Оддий ишчилар ўз раҳбарларининг камчиликларини унга тўғридан-тўғри айтдилар.

Свердлов номли колхоз раиси Абдулҳаким Абдуллаев хўжалик масалаларини бир ёқлама ҳал қилиб, идеология билан партком аъзоларигина шуғулланишлари керак, деб ҳисоблаганлиги учун у райком пленумида қаттиқ танқид қилинди. Раиснинг йўл қўйган хатолари кўрсатиб берилди, колхоз партия ташкилотининг янги етакчиси — ёш, ғайратли ўртоқ — Абдуллаевни идеология ишига жалб қилишда ёрдам берди.

Уйчи районида қишлоқ маданиятини юксалтириш, колхозчиларни тарбиялаш масалаларини ҳал этиш учун қишлоқ Советларига катта талаблар қўйилди. Жийдакапа Советининг раҳбари қишлоқ маиший турмушига эътибор бермаганлиги учун коммунистларнинг талабларига кўра алмаштирилди. Меҳнат интизомини бузишларга тоқат қилиб келган Ғайрат Советининг раҳбари янгиланди.

Область партия ходимлари идеология иши самарадорлигини оширишга эришса бориб, иқтисодий омилларни тобора ғайрат билан ишга солмоқдалар. Бригадаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, қилинган ишларга юзаки эмас, балки уларнинг пировард натижаларига қараб, амалий баҳо бериш қишлоқ меҳнаткашларида ишлаб чиқаришга омилкорлик билан муносабатда бўлиш ҳислатларини тарбияловчи таъсирчан восита, ташаббусни ривожлантруви ўз нуқтаи омил бўлаётганлигига улар ўз тажрибаларида қанрат ҳосил қилмоқдалар.

Норин район партия комитетининг биринчи секретари Маҳмуджон Мирзабоев, «Коммунизм» колхозининг бригадаларида айтган гапларини шарҳлаб, бундай деди: бу ерда пулни ҳисоблашни ўрганиб олишганлиги учун ҳам йиғим-теримга чет кишиларни жалб этишдан воз кечишди. Колхозчилар тўла хўжалик ҳисобига ўтгач, унумли меҳнат, техникадан оқилона фойдаланиш ўзларига бевосита наф келтиришини тушуниб қолдилар. Бу нарса «Коммунизм» колхози билангина чекланиб қолмади. Районда 133 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси, ўнта чорвачилик бригадаси хўжалик ҳисобига ўтказилди. Ем-хашак тайёрлашда 42 оилавий звено пудрат билан ишламоқда.

Норин районида «СССР 50 йиллиги» колхозидан Мадамин Камолов бригадаси машҳур бўлиб кетди. Колхоз пропагандистлари бригада пудратининг ҳаётий кучи тўғрисида гапирар эканлар, ана шу бригадани мисолга келтирадилар. Фойда кўпайиши учун Мадамин Камолов ва унинг ўртоқлари колхозчиларнинг бир қисмини бўшатиб, дарёнинг қайир ерларида барпо этилган бригада ёрдамчи хўжалиги билан шуғулланишни уларга топширдилар. Пахтакорлар ўзларини гўшт ва сабзавот билан тўла-тўкис таъминлаган ҳолда уч тонна узумни сотишга чиқардилар ва шу билан бригаданинг бюджетини мустаҳкамладилар. Канал ёқаларига тол ўтқаздилар. Уч йилдан сўнг улар ўзларининг бинокорлик материалларига эга бўладилар.

Айни вақтда райком ходимлари хўжалик ҳисобини такомиллаштириш кераклигини, ҳали ҳамма жойда хўжалик ҳисоби керакли даражага чиқмаганлигини яхши биладилар. Шу ўқув йилидан бошлаб, иқтисодий ўқишни кучайтириш, унга тажрибали мутахассислар, олимларни жалб қилиш керак, деган амалий хулоса чиқарилди.

Норин район «Авангард» газетасининг редактори Абдумалик Тошбеков райком бюросининг аъзоси қилиб сайланди. Шу фактнинг ўзиёқ матбуот сўзининг кучи эътироф этилганлигини кўрсатиб турибди. Райком идеология ишида журналистларнинг ролини бутун чоралар билан ошириш ҳаракатида шу йил редакциянинг фаолиятига тааллуқли масалаларни икки марта бюро муҳокамасига қўйди. Журналистларнинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалаларига доир танқидий мақолалари, кенг ғазетхонлар аудиториясини партия ва совет ташкилотларининг фаолиятида ҳануз мавжуд камчиликларни тезроқ йўқотишга ундовчи мақолаларн қувватлаб чиқилди. Газетанинг мақолаларига ўз вақтида жавоб қайтармаган район судининг, «Победа», «Октябрь», «СССР 50 йиллиги» колхозларининг раҳбарлари қаттиқ жазо олдилар. Райком бюросининг қарори матбуотда эълон қилинди. Райком биринчи секретари ва бошқа ходимларнинг босилган мақолалари газетанинг обрў-эътиборини ошириб юборди.

Шундай қилиб, ижобий силжишлар бор. Идеология иши самарадорлигини ошириш формалари ва воситаларини излаш муайян натижалар бермоқда. Хўш, мўлжалланган ишлар янада тўлароқ амалга оширилишига нималар халақит бермоқда?

Райком секретарлари, сайланган партия активи билан ўтказилган суҳбатларда партия ходимлари совет органлари вазифасига кирадиган масалаларни ҳал этишга анчагина вақт ажратаётганликлари маълум бўлиб қолди. Одамлар кўмир, уй-жой сўраб, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари хизмати яхши ташкил этилмаганлигидан шикоят қилиб райкомга келаверадилар. Булар партия комитетининг обрўсидан далолат, лекин одамлар партия органларига мурожаат этса, у ерда ҳамиша диққат билан қулоқ солиб, масалани тезда ҳал этишлари тўғрисида ўрнашиб қолган одат ҳам анчагина таъсир кўрсатади.

Кейинги вақтларда район ижроия комитетларининг фаолияти бирмўнча жонланиб қолди. Улар экономика ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида қайғуришни дадиллик билан зиммаларига ола бошладилар. Лекин район ижроия комитетларидаги қайта қуриш суръатлари ҳозирча бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Фикрлаш инерцияси, эски одатларнинг яшовчанлиги таъсир кўрсатмоқда. Бу эса баъзан райкомнинг сиёсий раҳбарлик органи вазифаларини тўла-тўкис бажаришига халақит бермоқда.

Қизиқ бир мисол келтирайлик. Йиғим-терим айни қизиган пайтда Уйчи районида меҳнат ресурсларини шошилинч равишда бир ёқдан иккинчи ёққа, ишчи кучлари ортиқча Ленин номли ва Свердлов номли колхозлардан юзлаб теримчиларни «Қизил Равот» ва «Гулистон» совхозлари даласига олиб ўтиш керак эди. Бу вазифани район ижроия комитети ва район агросаноат бирлашмасида қандай бажаришни муҳокама қилиб, вақтни ўтказиб юборишди ва бу ишга райком шошилинч равишда аралашишига тўғри келди.

Область партия ташкилотларида идеологик жиҳатдан таъминлаш билан ҳамма шуғулланиши кераклигини билишади, лекин ишнинг кўп қисми пропаганда ва агитация вазифаларини адо этувчи кишилар зиммасига тушади. Мана шу ерда бир проблема келиб чиқади — областда штатдаги идеология ходимлари қарийб ярмининг стажи уч йилгача боради. Бинобарин, кадрларни ўқитиш, уларнинг мураккаб тарбия санъатини тезроқ ўзлаштириб олишларига ёрдам бериш керак.

Областда йил бошидан бери идеология кадрлари билан ишлаш системаси йўлга қўйилди. Ўқув программасида — лекциялар, семинар машғулотлари, илғор тажрибалар билан танишишлар бор. Область комитети бўлимида стажировкадан ўтиш ташкил этилди, каттакатта бошланғич ташкилотларнинг масъул ходимлари ва секретарлари стажировкадан ўтадилар.

Оммага идеологик таъсир методлари кўп ва наманганликлар ундан тўла-тўкис фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу ҳақда кейинги мақоламизда ҳикоя қиламиз.

**Р. БИЧУРИН,**
**Г. ЛИПШИЦ,**
**С. ФЕНЮТИН,**

**Ўзбекистон информация агентлигининг махсус мухбирлари.**

# УЛКАН ХИРМОННИ КЎЗЛАБ

**РЕСПУБЛИКА РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЛУМОТ**

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

| | | |
|---|---|---|
| **ФАРҒОНА ОБЛАСТИ** | | |
| ЎЗБЕКИСТОН | 104,67 | 57,18 |
| Бувайда | 96,51 | 76,52 |
| Киров | 95,58 | 43,73 |
| Бағдод | 95,04 | 60,37 |
| Фрунзе | 95,02 | 71,03 |
| Ленинград | 92,85 | 76,40 |
| Риштон | 87,86 | 81,62 |
| Ёзёвон | 86,69 | 55,22 |
| Олтиариқ | 85,02 | 82,00 |
| Охунбобоев, | 81,91 | 37,01 |
| Қува | 80,41 | 55,92 |
| Фарғона | 77,63 | 23,22 |
| Тошлоқ | 77,14 | 28,99 |
| **ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ** | | |
| ЧИНОЗ | 104,74 | 101,70 |
| Ўрта Чирчиқ | 91,65 | 110,77 |
| Пискент | 90,38 | 90,02 |
| Янгийўл | 87,30 | 80,16 |
| Коммунистик | 82,34 | 100,31 |
| Бекобод | 82,00 | 75,60 |
| Оққўрғон | 80,80 | 87,64 |
| Ғалаба | 80,33 | 98,00 |
| Бўка | 76,59 | 83,59 |
| **НАМАНГАН ОБЛАСТИ** | | |
| Чортоқ | 85,85 | 51,43 |
| Поп | 84,57 | 81,52 |
| Наманган | 79,64 | 33,49 |
| Норин | 79,17 | 90,12 |
| Учқўрғон | 77,92 | 74,01 |
| Уйчи | 76,43 | 9,93 |
| Тўрақўрғон | 72,72 | 6,69 |
| Задарё | 69,90 | 72,39 |
| Чуст | 64,71 | 65,25 |
| Косонсой | 63,17 | 54,94 |
| Янгиқўрғон | 61,25 | 31,55 |
| **СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ** | | |
| Бойсун | 87,34 | 130,12 |
| Шўрчи | 87,25 | 83,74 |
| Қумқўрғон | 84,87 | 84,52 |
| Ленин йўли | 81,17 | 110,78 |
| Олтинсой | 79,20 | 42,49 |
| Денов | 76,06 | 47,52 |
| Термиз | 72,26 | 50,51 |
| Шеробод | 70,00 | 102,59 |
| Ангор | 69,95 | 58,28 |
| Жарқўрғон | 69,11 | 103,51 |
| Гагарин | 65,66 | 99,42 |
| Сариосиё | 65,40 | 12,77 |
| **СИРДАРЁ ОБЛАСТИ** | | |
| Боёвут | 83,42 | 98,17 |
| Ворошилов | 82,97 | 103,86 |
| Сирдарё | 75,67 | 87,75 |
| Ховос | 72,79 | 71,94 |
| Оқолтин | 72,70 | 85,95 |
| Гулистон | 71,09 | 94,21 |
| Комсомол | 70,35 | 76,40 |
| Ильич | 62,41 | 76,74 |
| Меҳнатобод | 55,89 | 53,95 |
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР** | | |
| Кегайли | 87,24 | 78,31 |
| Қўнғирот | 85,75 | 46,79 |
| Шуманай | 83,85 | 73,23 |
| Ленинобод | 82,26 | 72,81 |
| Чимбой | 81,49 | 72,31 |
| Хўжайли | 75,12 | 57,81 |
| Қораўзак | 70,04 | 73,15 |
| Тўрткўл | 67,08 | 34,10 |
| Беруний | 65,90 | 36,74 |
| Элликқалъа | 60,18 | 29,97 |
| Амударё | 56,90 | 34,65 |
| **ХОРАЗМ ОБЛАСТИ** | | |
| Гурлан | 91,68 | 37,72 |
| Хонқа | 88,94 | 68,01 |
| Урганч | 67,00 | 33,18 |
| Янгибозор | 66,60 | 48,84 |
| Хазорасп | 66,41 | 17,59 |
| Янгиариқ | 63,70 | 37,75 |
| Хива | 63,49 | 27,61 |
| Қўшкўпир | 60,57 | 31,28 |
| Шовот | 59,35 | 31,79 |
| Боғот | 52,63 | 10,27 |
| **БУХОРО ОБЛАСТИ** | | |
| Олот | 74,10 | 27,86 |
| Вобкент | 68,51 | 9,53 |
| Свердлов | 67,14 | 9,96 |
| Ромитан | 66,69 | 8,21 |
| Бухоро | 65,96 | 7,98 |
| Ғиждувон | 64,21 | 8,12 |
| Қоракўл | 64,12 | 22,21 |
| Шофиркон | 60,32 | 3,55 |
| Пешку | 60,17 | 22,67 |
| Когон | 43,93 | 8,22 |
| **АНДИЖОН ОБЛАСТИ** | | |
| Ленин | 75,53 | 48,51 |
| Москва | 71,47 | 34,98 |
| Комсомолобод | 70,04 | 79,20 |
| Балиқчи | 68,65 | 40,08 |
| Избоскан | 68,58 | 53,48 |
| Олтинкўл | 64,33 | 25,38 |
| Бўз | 61,97 | 31,06 |
| Андижон | 58,74 | 38,19 |
| Пахтаобод | 53,68 | 33,26 |
| Жалолқудуқ | 47,57 | 39,61 |
| Хўжаобод | 43,44 | 17,86 |
| Марқамат | 41,88 | 28,44 |
| Қўрғонтепа | 39,70 | 25,79 |
| **ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ** | | |
| Зомин | 80,45 | 60,73 |
| Зарбдор | 71,95 | 

ЧИМ ХОККЕЙ

# ЧАВГОНЧИ ҚИЗЛАР ЗАФАРИ

**«Андижанка» командаси хоккейчи қизлари яна бир бор довруг таратдилар. Яшил майдон узра чавгон ўйнатиш усталари бу йилги мавсумда мавқеларини мустаҳкамлаб, учинчи марта мамлакат чемпиони номини олишди. Мавсум тугашига икки тур ўйинлари қолганда етарли очко тўплаб, муддатидан илгари ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилишди.**

Мамлакатимизда яшил майдон узра хоккей ўйнаш баҳсининг оммавийлашиши «Андижанка» номи билан боғлиқ. Боиси, спортнинг чим хоккей тури бўйича аёллар командасини тузиш илк бор Андижонда расм бўлган эди. Кейинчалик СССР терма командасининг таркиб топишига ҳам андижонлик хоккейчи қизлар асос қилиб олинганди. Хоккейчи қизларнинг қўлга чавгон тутганига ҳам ўн йилдан ошди. Ўтган йиллар мобайнида чим хоккей спортнинг оммавий ва севимли турларидан бирига айланди. Хоккейчи қизлар командалари кўпайди, чавгончилар сафи мустаҳкамланиб, маҳоратлари ошди. «Андижанка» эса уч марта чемпионликни қўлга киритди.

Хоккейчиларимиз 1979 йили мамлакатнинг биринчи чемпиони бўлишган эди. Кейинги йили ҳам улар чемпионлик унвонини сақлаб қолдилар. СССР терма командасининг Москва Олимпиадаси баҳсларида муваффақиятли куч синашиб, совринли ўринни эгаллашига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Кейинчалик «Андижанка» Болгария ва Чехословакия сафарларида бўлди. Таниқли чавгончилар Лайло Аҳмерова, Муҳаббат Ҳайдарова-Бойқўзиева, Светлана Рассолова, Эльвира Орифжонова, Нелля Гарбаткова, Алина Хам, Валентина Заздравних ва бошқалар СССР терма командаси сафида Москва ва Берлин шаҳарларида ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашиб, совет спорти шарафини ҳимоя қилдилар.

Лекин кейинги йилларда баъзи сабабларга кўра командада бўшашувчанлик юзага келди. Турмуш қургач хоккейчи қизлар майдонга тушмай қўйишди. Бунинг устига тажрибали устоз, республикада хизмат кўрсатган тренер Мирон Кимнинг коллективдан кетиши ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шундан кейин йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш, коллективда ташкилий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, интизомни мустаҳкамлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мирон Ким командани яна ўз қўлига олди. Хоккейчи қизлар сафи ёшлар ҳисобига тўлдирилди. Қайта қуриш ишлари ўз самарасини берди.

«Андижанка» яна кўтаринки руҳда, ҳамкор ва ҳамжиҳатлик билан ўйнаб, мухлисларни қувонтира бошлади. Ўтган йили хоккейчилар учун ўзига хос синов мавсуми бўлди. Бу йил эса мавсум бошидан ҳужжатларини зўр берган хоккейчилар кўзланган мақсадсари астойдил интилдилар. «Андижанка»нинг имкониятлари беқиёс экани ёз ойлари ўтказилган СССР халқлари IX спартакиадаси баҳсларидаёқ кўзга ташланди. Боиси, республикамиз терма командаси асосан андижонлик хоккейчи қизлар ҳисобига тўлдирилган эди. Бу коллективга ҳам Мирон Ким раҳбарлик қилди. Хоккейчиларимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, спартакиада чемпиони бўлишди.

Мамлакат чемпионатининг сўнгги якунловчи тур ўйинлари Москва ва Андижон шаҳарларида ўтказилди. Вакилларимиз ўз майдонлари—Халқлар дўстлиги номли стадионда мазкур турнинг биринчи учрашувини Тошкент областининг «Политотдел» командаси билан ўтказиб (2:0), муддатидан илгари чемпион номини олишди. Чемпионлар— Любовь Кондратенко, Елена Шулженко, София Усеинова, Лариса Дрспина, Светлана Олохова, Гулчеҳра Ворисова, Светлана Яковлева-Рассолова, Лайло Аҳмерова, Ирина Цепидилова, Фарида Билялова, Муҳаббат Ҳайдарова-Бойқўзиева каби етук ўйинчилар ғолиблик супасига кўтарилишди.

Андижонлик чавгон ўйнаш усталари ҳали дам олиш ҳақида ўйлаётганлари йўқ. Улар шу ой охирида саккиз команда қатори СССР кубоги учун баҳсларда астойдил курашишни кўзламоқдалар.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**Суратда: чим хоккей бўйича мамлакат чемпиони— —«Андижанка» командаси.**

**Р. Ашуров** фотоси.
**(ЎзТАГ).**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Ахборот

### Пахтакорлар ҳузурида

● **Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг учинчи бригадаси дала шийпонида театрлаштирилган томоша кўрсатилди.**

Пойтахтдаги икки театр — А. Навоий номли опера ва балет ҳамда Ҳамза номли драма театрларининг артистлари пахтакорларга ўз санъатларини намойиш этдилар.

Пахтакорлар СССР халқ артисти Соҳа Эшонтўраева ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Тешабой Мўминовни саминий кутиб олдилар. Улар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» спектаклидан парчалар кўрсатишди. СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Яйра Абдуллаева драмалардан монологлар ўқиб бердилар. Халқ ашулалари ва рақслари ижро этилганида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдулла Бозоров, актёрлардан Мақсадхон Қурбонова, Сайёра Мусаева ва Баҳодир Турсуметов билан биргаликда ҳўжалик меҳнаткашлари рақсга тушдилар, уларга жўр бўлдилар.

Артистлар «оқ олтин» мавсумида дала меҳнаткашларига хизмат қилаётган агитпоезд бригадаларининг доимий қатнашчиларидирлар.

### Кўҳна чарх

● **Фарғона ўлкашунослик музейининг коллекцияси қаторига янги экспонат қўшилди. Бу илгари вақтларда кулол усталар ишлатган кўҳна чархдир.**

Бу чарх Риштондаги уйлардан бирини ремонт қилишаётганида топилди. Маълум бўлишича, бу хонадонда қадимдан кулоллар оиласи яшаб келган экан. Бу ердаги тор устахоналарда ўтмишда Толиб Мирзажонов, Абдулла чиннипаз, Ниёзмат, Маёқуб Ғозиев сингари таниқли кулоллар ишлашган. Улар тайёрлаган хумларда сув саратонда ҳам муздай тураверган. Бу идишлар ихчамлиги, нақшларининг нозиклиги билан кишини лол қолдирган.

Ҳозир Риштон кулолларининг санъати яшариб кетди. Кўҳна устахоналар ўрнида янги завод қад кўтарди. Ў 50 хил турли идиш-товоқлар чиқармоқда. Кўҳна усталарнинг анъаналарини СССР Рассомлар союзининг аъзоси Иброҳим Комилов, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Шарофиддин Юсупов давом эттирмоқдалар ва ривожлантирмоқдалар. Уларнинг асарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам машҳурдир.

Қадимий чарх эса ўлкашунослик музейининг экспозициясидан фахрли ўринни эгаллади.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ


## РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
**КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА**
**1986—1987 ўқув йили учун**

### ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, алоқа ходимлари, пионервожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, колхоз, совхоз, саноат корхоналари, қурилиш, алоқа, транспорт ташкилотлари, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва жамиятшунослик фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

**Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг I курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

1984—85 ўқув йилидан бошлаб институт чет тили ва ўзбек мактаблари учун рус тили ва адабиётидан мутахассислар тайёрлаяпти.

**Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3x4 см.).

**Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.**
**Суҳбат 20 ноябрдан 26 ноябргача давом этади.**
**Қабул қилиш 28—29 ноябрда ўтказилади.**
**Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.**

**Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.**

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1986 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам, тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 162-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
**КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА**
**1986-1987 ўқув йили учун**

### ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли, камида бир йил узлуксиз иш стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва Ҳарбий қисмларининг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Икки йиллик иш стажига эга бўлган кичик медицина ҳамширалари ва санитаркалар даволаш ва санитария-профилактика, аптека, суд-медицина экспертизаси муассасаларининг йўлланмалари билан қабул қилинади.

**Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:** институт ректори номига ариза, йўлланма, ўрта мактабни битирганлиги тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш (хизмат) жойидан характеристика, соғлиғи ҳақида справка (286-форма) 6 дона фотосурат (3x4 см), меҳнат дафтарчаси ва унинг нусхаси (корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган).

Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги гувоҳнома ва паспорт шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар, улар билан ўтказиладиган суҳбат натижаларига асосланган ҳолда ректор буйруғи билан қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ 8 ОЙ.

Кундузги бўлим талабалари ойига 40 сўм стипендия, ва ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Медиклар шаҳарчаси, 10-корпус. 10, 28, 34, 82, 100-автобуслар ҳамда 15-трамвай билан борилади.

СИРДАРЁ ШАҲРИДА
**28 ОКТЯБРДА**

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1986 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 5-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

**ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ**

**Тиражда умумий суммаси бир миллион 44 минг сўм бўлган 417 мингта буюм ва пул ютуқлари ўйналади.**

**Ютуқлар орасида «ЖИГУЛИ», «МОСКВИЧ» автомашиналари ва аравачали мотоцикллар, қимматбаҳо буюмлар ҳамда 10, 50, 100, 200, 300, 500 сўмлик пул ютуқлари бор.**

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ ВА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ.

**СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика бош бошқармаси.**


## Театр

**НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА** 22/X да **Севги тумори**, 23/X да **Дон Карлос**, 24/X да **Оққуш кўли**.

**ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА**— 22/X да **Курорт**, 23/X да **Асрга татигулик кун**, 24/X да **Юлдузли тунлар**.


Ўзбекистон театр жамияти Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театри артисти, Ўзбекистон ССР Халқ артисти, республика театр жамиятининг аъзоси О. Фаёзовага турмуш ўртоғи

**Турғун ЗОҲИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти коллективи нашриёт ўқув адабиётлари редакцияси мудири А. К. Камоловга онаси

**Манзурабиби МУҲАММАДЖОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институти коллективи илмий ходим, биология фанлари кандидати Ш. Ш. Шоусмоновга отаси

**Шоназар ШОУСМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


## дунё воқеалари

### ЯНГИЧА ТАФАККУР— ТИНЧЛИККА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛ

«Келажак сиёсатчилар қабул қиладиган қарорларга ва айрим давлатлар ўртасидаги мухолифликларгагина боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Инсон даҳоси, истеъдодли кишилар тасаввурининг, илм-фан аҳли ташаббуси ва кашфиётларининг, шоирлар эзгу ўйларининг, оддий инсонлар орзу-умидининг куч-қудрати ғоят катта роль ўйнаши лозим. Мана шуларнинг ҳаммаси биргаликдагина янгича —умумий ва сиёсий тафаккур уруғини сепишга ёрдам беради». Бу сўзлар Чингиз Айтматовнинг таклифига биноан мамлакатимизга келган таниқли маданият арбоблари ва жамоат арбоблари учрашувининг руҳини ифода этди. «Иссиқкўл анжумани баёноти» Фрунзе ва Иссиқкўлда бўлиб ўтган суҳбатлар ҳамда мунозараларнинг натижаси бўлди.

Мана шу ҳужжатда баён этилган ўй-фикрлар, орзу-умидлар, режалар 20 октябрь куни Москвадаги Марказий виставка залида ўтказилган янги учрашувнинг мавзуи бўлди.

Биз эзгу истакларга амал қилиб, бу ерга шахсий асосда йиғилишдик, деди учрашувни оча туриб Ч. Айтматов. Бу— гуманитар соҳадаги маслаҳатлашув —прогрессив арбобларнинг анжумани бўлди. Бу анжуман кулфатлар, урушлар ва фалокатлар билан тўлиб-тошган дунёда умумжаҳон миқёсидаги янгича тафаккурни ҳосил қилишга кўмаклашиш мақсадини ўртага қўйди.

Америкалик машҳур драматург А. Миллер шу фикрни ривожлантириб, биз ўзаро янгича нуқтаи-назар позицияларида туриб реал воқеликка рўй-рост ва тўппа-тўғри нигоҳ ташлашга ҳаракат қилдик, деди. Бу йўлда биз дастлабки қадам ҳам қўйдик.

Марказий виставка залида «Маданият арбоблари тинчлик учун курашда» бадиий экспозицияси очилган. Чет эллик меҳмонлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан суҳбатдан кейин дарҳол шу залга келдилар. Машҳур инглиз ёзувчиси ва актёри Питер Устинов бу суҳбатни шонли воқеа, деб атади. Жамият муайян қатламларининг намояндалари бўлмиш биз, адиблар, олимлар, социологлар, рассомлар учун бу суҳбат жуда фойдали ва кўп жиҳатдан ибратли бўлди, деб таъкидлади у.

Совет раҳбарига таништирилиш —катта шарафдир, деб таъкидлади Испания жамоат арбоби Ф. Майор ҳамкасбларининг фикрини ифода этиб. Бизнинг суҳбатимиз ажратилган вақтга қараганда анча кўпроқ давом этди. Бу суҳбат бизнинг биргаликдаги ҳаракатларимиз учун янги истиқболлар очди ва унга қудратли омил бахш этди.

Биз бутун инсониятнинг келажаги проблемаларини муҳокама қилдик, деди америкалик машҳур футуролог О. Тоффлер. Ана шу проблемаларни ҳал этишда янгича тафаккурни шакллантиришга кўмаклашиши лозим бўлган ижод аҳли катта роль ўйнайди.

«Иссиқкўл анжумани» қатнашчилари ўзларининг ғояларини турли сиёсий қарашлар, эътиқодлар, динларга мансуб кишилар қўллаб-қувватлайдилар, деб умид билдирдилар.

**(ТАСС).**

## Нажибнинг матбуот конференцияси

КОБУЛ. (ТАСС). Олтита совет полкининг Ватанига қайтиши — холис ниятли қадам, Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий жиҳатдан бартараф қилишни, жумладан, Женевада Покистон билан олиб борилаётган музокараларнинг боришини жадаллаштириш омилидир, деди АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб Афғонистон пойтахтида бўлиб ўтган матбуот конференциясида.

Бир вақтлар АДР ҳукуматининг илтимосига кўра ва ўзаро аҳдлашиб олинганига мувофиқ, Афғонистонга киритилган чекланган совет қўшинларининг бир қисмини Афғонистондан олиб кетиш учун зарур шарт-шароитлар бугунги кунда вужудга келди,деб сўзини давом эттирди Афғонистон раҳбари. Бутун чекланган қўшинларни олиб чиқиб кетишнинг АДР ва СССР раҳбарлари билан келишиб олинган графиги ҳозирдаёқ мавжуд. Бироқ ташқаридан бўладиган қуролли интервенция, Афғонистоннинг ички ишларига ажнабийларнинг ҳар қандай аралашуви тўхатилиб, бундай аралашувнинг бошлаб юборилмаслиги қатъий гарантиялланган тақдирдагина ана шу аҳдлашув рўёбга чиқарилиб бошлайди, деб таъкидлади Нажиб. Афғон қуролли кучларининг жанговар қобилияти доимо ўсиб бормоқда. Ҳирот ва Ҳост районларида аксилинқилобчи тўдаларни тор-мор қилиш юзасидан кейинги вақтларда ўтказилган мустақил катта-катта жанговар операциялар ҳам ана шундан далолат бермоқда. Аммо эълон қилинмаган уруш қўламлари ҳозирча шундайки, АДРнинг ёш қуролли кучлари Совет Иттифоқининг муайян ёрдамига муҳтож. Аксилинқилобчиларни энг янги қурол-яроғлар билан қўплаб таъминлаб турган халқаро империализм Афғонистон Демократик Республикасига хуруж қилмоқда. Кейинги вақтларда уларда оғир қуроллар пайдо бўлди, ракета воситаларининг сони кескин кўпайди.

Нажиб иқтисодий аҳвол тўғрисида гапириб, экономикани муваффақиятли равишда ривожлантириш учун АДР етарли имкониятларга эга эканлигини уқтирди, лекин ҳозирги вақтда хўжалик қурилишини тўла авж олдириб юбориш учун аксилинқилобчиларнинг қўпорувчилик ҳаракати халақит бераётганлигини айтди. Шунга қарамай, Афғонистон революциядан кейинги даврда экономика соҳасида катта силжишларга эришди.

АХДП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми,деб уқтирди Афғонистон раҳбари, революциянинг социал базасини кенгайтиришга янгича ёндашувни белгилади. Бу йўл янги жамият барпо этишда аҳолининг ғоят кенг табақалари иштирок этишини кўзда тутади. Бу соҳада ҳозиргача кўп иш қилинди. Бутун мамлакатда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бўлиб ўтди. Ана шу сайловлар давомида 14 минг нафар халқ вакиллари сайланди. АДР Революцион кенгаши ва Министрлар Советининг состави кенгайтирилди. Яқин вақт ичида мамлакат янги Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муқокамасига тақдим этилади. Миллий яраш юзасидан фавқулодда комиссия тузилди. Бу комиссия яқинда бўладиган маж лисида ватандошларга қаратилган бир қанча мурожаатнома қабул қилади. Турли сиёсий кучлар ўртасида мамлакатда тинчликка эришишга қаратилган битим ва Ватан бахт-саодати йўлида биргаликда меҳнат қилиш— оқилона келишувдир. Биз ўзаро қирғин урушнинг тезроқ тўхтатилишини ёқлаб чиқмоқдамиз ва миллий бирлик ҳукуматини тузишгача ён беришга тайёрмиз. Феодал-монархия ўтмишига, қашшоқлик ва саводсизликка ҳеч қачон қайтмаймиз. Шундай мақсадларга эришишга интилаётганлар билан амалий гаплашиб олишга тайёрмиз.

Партия бирлиги учун кураш АХДПнинг ҳамиша ғоят муҳим сиёсий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деди сўзини давом эттириб Нажиб. Партиямиз кураш ва тикланишнинг мураккаб йўлини босиб ўтди. Ҳозирги вақтда унинг сафларида 160 минг аъзо бор. АХДП Марказий Комитети 19-пленумининг қарорлари партия аъзоларининг диққат-эътиборини иш услубини янгилашга қаратмоқда.

Афғонистон халқаро ишларда, деб таъкидлади Афғонистон раҳбари, барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик учун, савдо-сотиқни ва анъанавий алоқаларни ривожлантириш учун курашмоқда. Эрон билан Покистон раҳбарлари АДРнинг ички ишларига аралашишни тўхтатсалар, шу давлатлар билан муносабатларимиз нормаллашади.

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари СССР билан муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ў афғон — совет дўстлиги — Афғонистон бугунги сиёсатининг реаллигидир, деб таъкидлади. Мамлакатларимиз ва халқларимизни В. И. Ленин билан Омонуллохон асос солган дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ёрдам анъанавий ришталари боғлаб турибди. СССР билан муносабатларимиз АДРни ҳар қандай иқтисодий қарамликдан халос этади.

Рейкьявикда олий даражадаги Совет — Америка учрашувида СССР янги сиёсий фалсафани — тинчлик ва муросага шайлик фалсафасини, янги сиёсий тафаккурни намойиш қилди, деб таъкидлади Нажиб. 6 полкнинг АДРдан олиб чиқиб кетилиши ишончсизлик, кераксиз айблашлар камроқ бўлсин, мулоқотлар кўпроқ бўлсин, деган ўша сиёсий фалсафанинг мужассамидир. Бу фалсафани Вашингтонда ҳам, Исломободда ҳам, Теҳронда ҳам тушуниб олишади, деб умид қиламиз.

## Мозамбик президентининг ҳалокати тўғрисида

МАПУТУ, 21 октябрь. (ТАСС). ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси, Мозамбик Халқ Республикаси Халқ ассамблеяси доимий комиссияси ва Министрлар Совети ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Машел авиация фалокатида фожиали ҳалок бўлгани тўғрисида чуқур қайғу билан хабар қилади, дейилади бу ерда тарқатилган расмий ахборотда.

Президент Замбиядан қайтиб келаётганда Мозамбикнинг Намааша шаҳридан беш километр масофада фалокат юз берди, дейилади ҳужжатда. Ҳалок бўлганлар орасида Мозамбик Халқ Республикаси транспорт ва алоқа министри Алкантара Сантуш, Мозамбик Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Жозе Карлуш Лобу, Мозамбикнинг бошқа расмий кишилари, Замбия ва Заирнинг Мозамбик Халқ Республикасидаги элчилари бор, ўн киши омон қолган. Президент ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳалокатнинг сабаблари аниқланмоқда. Мамлакатда 60 кунлик миллий мотам эълон қилинди.

Фожиали жудолик Мозамбик тарихидаги оғир бир пайтда, бизнинг мустақиллигимизни ҳамда Мозамбик халқи революцион ғалабаларини йўқ қилиб ташлашни хоҳлаётган энг реакцион кучлар мамлакатимизга қарши хуруж қилаётган бир пайтда содир бўлди, деб таъкидланади ахборотда. ФЛЕРИМО партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси, Мозамбик Халқ Республикаси Халқ ассамблеяси доимий комиссияси ва Министрлар Совети барча мозамбикликларни партия ва ҳукумат раҳбарлари атрофида жипслашишга, миллий бирлик душманларига зарба беришга чақиради.

АДДИС-АБЕБА, 21 октябрь. (ТАСС). Африка Бирлиги ташкилоти С. Машелнинг ҳалокатини курашаётган Африка учун катта жудолик, деб атади.

ХАРАРЕ, 21 октябрь. (ТАСС). Мозамбик Президентининг фожиали ҳалокати муносабати билан бутун мустақил Африка қайғу чекмоқда, деди бу ерда Зимбабве Республикаси ташқи ишлар министри Уитнесс Мангвенде.

БРАЗЗАВИЛЬ, 21 октябрь. (ТАСС). Конго Халқ Республикасида тўрт кунлик миллий мотам эълон қилинди.

## Тингланг, томоша қилинг — 22 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

### ТВ

**МОСКВА.I.** 9.00 — «Время». 9.45 — Кремлга телеэкскурсия. 10.30 — «Гувоҳ». Бадиий фильм, 1-серия. 11.50 — «Саёҳатчилар клуби». 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Фильм-концерт. 16.40 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.50 — «Петя ва бўри». Симфоник эртак. 18.00 — Тарих саҳифалари. 18.45 — Шу кунниг почтаси. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Дунё ва ёшлар». 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — «Гувоҳ». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Торпедо» (М) — «Штутгарт» (ГФР). 23.45 — «Дунё воқеалари». 24.00 — Эркин кураш. Жаҳон чемпионати.

**МОСКВА.II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 11.35 — Тарих. 12.05 — Рус ёғоч нақшкорлиги. 13.10 — Ўқув кўрсатуви. 13.40 — Теварак-атроф билан танишиш. 14.30 — А. Де Сент-Экзюпери. Ҳаёти ва ижоди. 15.15 — Илмий-оммабоп фильм. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.45 — «Ўсимликлар олами». 21.30 — «Время». 22.00 — «Комсомол қасри». Бадиий фильм, 2-серия. 23.05 — Архитектор Ф. Шехтель.

**ТОШКЕНТ.I.** 7.25 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Комсомол съезди олдидан. 8.20— «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — Математика. 17.00 — Телефильм. 17.30 — «Ғўзаллик оламига саёҳат». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Телефильм. 18.35 — «Истеъдод бор-у, аммо...» 19.00 — «Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонинигизга барака». 22.25 — «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.

**ТОШКЕНТ.II.** 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Увайсий шеърлари. 20.20 — «Пионер телетайпи». 20.30 — Ритмик гимнастика. 20.50 — «Авлодлар эстафетаси» 21.30 — «Время»

### Р

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА:** 8.30 —«Бизга мактуб ёзлаб сиз». 9.30 —«Ҳаётимизнинг ёркин қирралари». 10.15 — «Тасанно, ишчилар». Кантата. 10.40 «Қармоқ». 11.15 — «Юность». 12.10— «Ўзбекистан индустриальный» 13.00 —«Чор. вадор». 14.00—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — «Саволларингизга жавоб берамиз». 18.15 —Қолгу қўйлари. 18.30— Ўзбекистон бинокори». 19.25 —«Ёшлик куй. лайди». 19.40 —«Миллионлар ленинча университети». 21.00 «Шеърият кечаси». 21.20 — «Пахта далалари илғорлари. Сизлар учун». 22.30—«М. Арслонов қўшиқлари». 23.30 — Дам олиш концерти.


**СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ**

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 09073. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Б. — 239. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12